

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**З.М. Бобур номидаги Андижон Давлат Университети
Тарих-иқтисод факультети Ватан тарихи мутахасислиги**

Хошимов Ҳикматилло Боқижоновичнинг

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТОШ ДАВРИ

(Мил. авв. 1,5 млн. – 4 минг йилликлар)

МАГИСТРЛИК илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Мутахасислиги 5А 220200 Ватан тарихи

Илмий ахбар : т.ф.н Б.Сайфуллаев

А Н Д И Ж О Н - 2010

Мундарижа

Кириш	3-10
I Боб. Фарғона воийсида тош даври палеоэкологияси	11-13
II Боб. Фарғона водийсида қадимги тош даврини ўрганилиш тарихи ва муаммолари	14- 35
2. 1. Селунгир маконини ўрганилиш тарихи	14-21
2. 2. Фергантроп ва унинг гоминидлар эволюциясидаги ўрни.	21-27
2. 3. Фарғона водийси қадимги тош асрида ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.	27-35
III Боб. Фарғона водийсида ўрта ва янги тош даври	36-55
3. 1. Обишир - мезолит даври маданияти	36-46
3. 2. Фарғона водийсида янги тош даври	46-53
3. 3. Фарғона водийси ўрта ва янги тош даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт	53-56
ХУЛОСА	55-57
Тош асри археологик терминларининг изоҳли луғати	58-68
Қисқартмалар	69
Адабиётлар рўйхати	70 – 75
Мавзуга доир расмлар	76 -

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейин юртимизнинг қадим ўтмишини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда¹. Собиқ шўролар тузуми даврида тарихимизни ўрганиш коммунистик ғояларга бўйсундирилган ва натижада ўтмишни талқин қилишнинг объективлиги, илмий-назарий услублари бузилган эди. Бу ҳолат юртимизнинг тош асри тарихига ҳам тааллуқли бўлиб, аксарият ҳолларда бу даврга оид ёдгорликлар ва улардан топилган материалларининг даврий ва маданий тахлили давр талабига мос, деб бўлмайди.

1836 г. Дания қадимшуноси К. Ю. Томсон топилмаларни учта бўлимга: тош, бронза ва темир даврига ажратади. Бошқача қилиб айтганда, ибтидоий археологиянинг фан сифатида пайдо бўлиши учун асос бўлган *"уч аср системаси"* га асос солинди. 1865 йилда инглиз олими Джон Леббок тош асрини икки босқичга — палеолит ва неолитга ажратишни таклиф қилади. 1892 йилда А. Броун томонидан *"мезолит"* (ўрта тош асри) термини киритилди ва тош асрини ҳозиргда маълум бўлган учта босқичга ажратиш системаси пайдо бўлди².

Инсониятнинг тош асридаги ўтмиши энг узок давом этган тарихий босқич бўлиб, бу давр кишилик тарихининг 99,8 % ини ташкил қилади. Бу аср инсоният эришган барча ютуқларнинг бошланиш даври бўлиш билан бирга энг қизиқарли ва мунозораларга бой тарихий босқич ҳамдир. Айнан шу даврда одамнинг австралопитек, хомо хабилис, хомо эргастер, хомо эректус, неандертал, хомо сапианс архаик ва хомо сапианс сапианс каби барча физик типлари шаклланади ҳамда тараққий топади.

Ўзининг маданиятларини ва ҳаётий тажрибаларини доимо ривожлантириб борган ибтидоий одамлар бутун кейинги кишилик жамияти тараққиётига ўзларининг тамал тошларини қўйдилар ва цивилизациянинг пайдо бўлиши учун замин ҳозирладилар.

Тош асри ёдгорликларида қадим ўтмишдошларимиздан қолган тош ва баъзан суяк қуроллар, ҳайвон суяклари, ўчоқ, уй-жой ва умуман ҳаёт фаолиятлари қолдиқлари сақланиб қолади. Уларни *"тилга киритиш"* ҳамда инсониятнинг энг қадимги ўтмишини тиклаш ибтидоий давр билан шуғулланувчи археолог олимларнинг вазифасидир. Бироқ, тош асри ёдгорликларида кўп ҳолларда фақат инсон томонидан ишлов берилган тош қуролларгина сақланиб қолган. Мутахассисларнинг олиб борган илмий-назарий изланишлари натижасида уларга илмий ишлов бериш услублари ишлаб чиқилган. Оқибатда, мутахассис бўлмаган киши фарқига ҳам бормайдиган, бу асори-атиқалар биздан бир неча ўн-юз минглаб йиллар муқаддам яшаган аجدодларимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Тош буюмларни ўрганиш учун археологлар томонидан техник-типология ва морфология тадқиқот услублари ҳамда юзлаб терминларни ўз ичига олган кенг тушунтириш аппарати ишлаб чиқилган. Тошга ишлов бериш техникасини ўрганиш ибтидоий тарихни ўрганишнинг энг муҳим соҳаларидандир. Айнан тош буюмларни тадқиқ қилиш натижасида ибтидоий даврда яшаган одамларнинг маданий-моддий аҳволи, концептуал тафаккур даражаси, иқтисодий-хўжалик фаолиятлари аниқланади.

Тош асри тарихи мултидисциплинар соҳадир. Ёдгорликлардан топилган тош қуролларни археолог типологлар, технологлар ва трассологлар ўрганса, ҳайвон суяклари қолдиқларини палеонтологлар, ўсимликлар қолдиқларини палеоботаниклар,

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ташкент - 1998

² А.П. Деревянко, С.В. Маркин, С.А.Васильев. Палеолитоведение: Введение и Основы. Изд-ВО "НАУКА" Новосибирск, 1994. С. 5.

маданий ётқизикларни геологлар ўрганадилар. Маданий қатламларни абсолют санасини аниқлашда физик ҳамда химик услублар ёрдамга келади.

Ҳозирда юртимиз ҳудудларидан тош асрига оид юзлаб ёдгорликлар топиб ўрганилган. Бу жиҳатдан Фарғона водийси ҳудудлари дунёда энг бой ўлкалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда тош асрини илмий ўрганиш ишлари 1938 йили ўрта палеолит даврига оид машҳур Тешик-Тош ғорининг очилиши билан бошланди¹. Фарғона водийсида эса тош даврини ўрганиш ишлари 1955 йилда Селунгир ғорини қазиб ишлари билан бошланади² ва бу ўлкадан илк палеолитга оид кўп қатламли Селунгир ва Чашма топилма жойлари, мезолит даврига оид Обишир 1-5 ёдгорликлари ҳамда Марказий Фарғона неолит даври маданиятлари очиб ўрганилган³.

Илмий ишда Фарғона водийсидаги тош асри ёдгорликлари бўйича чоп қилинган археологик материаллар ўрганиш объекти қилиб олинди. Таклиф қилинаётган иш Ўзбекистоннинг ажралмас қисми бўлган Фарғона водийсида тош асри тарихини яратиш, бу борада олиб борилган 60 йиллик археологик изланишлар натижаларини умумлаштириш ва шунингдек, давр тарихини халқимизга ёт ғоялардан ҳоли, объектив талқин қилишга бағишланган. Бундан ташқари, гоминидлар эволюцияси ҳақидаги собиқ совет илмий қарашлари эскирди. Унга мувофиқ австролопитек - хомо хабилис - хомо эректус - неандертал каби гоминидлар мавжуд бўлиб, улар эволюцион тарзда бир бирига ўсиб ўтган ва охириги неандерталлар замонавий одамларга айланганлар, деган фикр ҳукмрон эди. Коммунистик ибитдой тарихчилик шу эволюцион назарияга асосланган эди. Аммо, кейинги ўн йилликлар давомида қилинган кашфиётлар бу назариянинг нотўғри эканлигини исботламоқда ва прогрессив ғояларни илгари сурмоқда. Прогрессив кетма кетлик назариясига кўра, австролопитекларнинг бир нечта турлари бўлиб, улардан фақат бир гуруҳигина (*australopithecus fragilis*) хомо хабилисларга айланганлар ва австролопитекларнинг охириги вакиллари бундан 1 млн. йиллар аввал ҳам хабилислар ва эректуслар билан ёнма ён яшаганлар. Хомо хабилислардан илгари фанда номаълум бўлган хомо типи - эргастерлар яшаганликлари аниқланди ва бу одамлар Евроосиё материгини илк бор забт этган датлабки гоминид ҳисобланади (Дманисси)⁴. Ибитдой одамнинг ундан кейинги вакили хомо эректуслар бутун дунёни эгаллайдилар. Бирок, улар ўз тарақиёти давомида икки шахобчага ажралган гоминидларни келтириб чиқарадилар. Ғарбий Европада яшаган эректуслардан неандерталлар, Африкадаги эректуслардан эса архаик типдаги замонавий одамлар, яъни хомо сапиенс архаиклар ажралиб чиқади. Неандерталлар гоминидлар тараққиётида боши берк шахобча бўлиб, улар ҳеч қачон замонавий одамларга айланмаганлар ва уларнинг охириги вакиллари бундан 25 минг йиллар муқаддам қирилиб кетганлар.

¹ Окладников А. П. Мустьёрская стоянка в гроте Тешик-Таш в Узбекистане // КСИИМК. Вып. 2. 1939.-С. 7-87; Окладников А. П. Исследование палеолитической пещеры Тешик-Таш (предварительное сообщение) // Труды Узб. Филиала АН СССР. Вып. 1. 1940.-С. 109-12

² Окладников А.П., Конопля П.Т. Следы людей каменного века на территории Южной Киргизии. ИА АН КиргССР. Серия общ. Наук, т. 1. Вып. 1. 1959.

³ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Стоянки каменного века южной части Центральной Ферганы. ИМКУ, вып. 13. Ташкент. 1977. Исламов У.И., Крахмаль К.А. Комплексные исследования древнепалеолитической пещерной стоянки Сель-Унгур // Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск. 1992. Исламов Г.Ф., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Азии. Ташкент. 1977. Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. Док. Дисс. Новосибирск. 1977.

⁴ Lordkipanidze D., Gagnepain J., 2003. La Géorgie berceau des Européens. Musée de Préhistoire de Gorges du Verdon Route de Montmeyan 04500 Quinson, p. 26.

Лекин, кейинги йилларда қўлга киритилган топилмалар (Оби-Рахмат одами)¹ идрокли одамларнинг вужудга келишида неандерталларнинг ҳам маълум даражада ҳиссаси бўлганлигини кўрсатмоқда. Физик типи жиҳатидан замонавий одамларга энг яқин гоминидлар бундан 200 минг йиллар муқаддам Африкада яшаган ва 100 минг йиллар бурун Яқин Шарққа етиб келган архаик хомо сапиенслар ҳисобланади². Ушбу назария ҳозирда дунёнинг энг илғор мактаблари томонидан қўллаб келинади. Лекин, коммунистик ғоялар таъсирида ёзилган ва ҳозирда эскирган адабиётларда ўша эски эволюцион таълимотлар асосидаги фикрлар яшаб келмоқда. Энг ачинарлиси, ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг университетларида ҳам ушбу эски таълимотлар асосида дарслар ўтказилиб келинмоқда.

Маълумки, юртимизда ибтидоий тарихни ўрганишда олиб борилган илмий ишлар фақатгина археолог мутахассислар учунгина ёзилган ўнлаб монографиялар ҳамда юзлаб илмий мақолалардан иборат бўлиб қолмоқда. Фақат айрим мақолаларни ҳисобга олмаганда ўзбек тилида деярли илмий ишлар у ёқда турсин, хаттоки, оммабоп асарлар ҳам яратилмади. Шунинг оқибатида, Фарғона водийсида ибтидоий тарих билан кенг халқ оммаси ва хатто тарихчилар ўртасида ҳам узилиш пайдо бўлди. Бу ҳолат юртимиздаги қатор Университетларда ибтидоий давр тарихини ўқитиш ишларига, бинобарин, кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Хаттоки, ҳали ибтидоий археологик терминларининг ўзбек тилидаги изоҳли луғатлари ҳам ишлаб чиқилмади.

Бундан ташқари, юртимизда мавжуд бўлган ва кўп йиллардан буён ўрганилиб келаётган тош асри ёдгорликларининг даврий ва маданий талқинлари борасида бир бирига зид илмий фикрлар ҳам талайгина. Бу ҳолат кўпроқ илк палеолит даврига оид Селунгир ёдгорлиги учун ҳосдир.

Ишнинг асосий мақсади ва вазифалари. Фарғона водийсида кўп йиллардан буён ўрганилиб келинаётган ўнлаб тош асри ёдгорликларидан олинган илмий натижаларни умумлаштириш ва улар борасида билдирилган турли хил илмий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш йўли билан Фарғона водийси тош асрининг яхлит тарихини яратиш диссертациянинг асосий мақсадларидандир.

Илмий ишда юқоридаги мақсаддан келиб чиқилган ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланади:

1. Фарғона водийсида 60 йилдан буён ўрганилиб келинаётган тош асри археологик материалларини ўрганилиш тарихини умумлаштириш ва унинг муаммоларини аниқлаш.
2. Фарғона водийсида тош асри маданиятлари, ибтидоий одамларнинг жисмоний типлари ва маданий-иқтисодий ҳаётининг объектив тарихини яратиш.
3. Тош асри археологик терминларининг изоҳли луғатини ишлаб чиқиш.

Ишнинг илмий янгилиги. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Илмий ишда Фарғона водийсида биринчи марта 60 йилдан буён ўрганилиб келинаётган тош асри археологияси манбалари умумлаштирилди ҳамда даврни ўрганиш муаммолари ўртага ташланди.
2. Бундан ташқари, ушбу иш биринчи марта ўзбек тилида амалга оширилди ва бунинг учун тош асри археологиясига доир ўнлаб махсус терминларнинг изоҳли луғати ишлаб чиқилди.

¹ Кривошапкин А.И. Обирахматский человек – загадка истории. Наука и жизнь. 2006-2007. Ташкент.-С. 14 -26;

² Coppens Y. Le singe, l'Afrique et l'Homme. — P.: Fayard, 1983. —140 p. *The origins of modern Humans.* — N.Y.: Academic Press, 1984. — 302 p.

3. Фарғона водийсида биринчи марта тош асри археологиясини ва тарихини ёритишда тамоман янги, илғор прогрессив тадқиқот услуби қўлланилди.

4. Диссертацияда илк бор Фарғона водийсида тош асри маданиятларининг умумлашмаси, шу даврда яшаган гоминидибтидой одамларнинг физик типлари ва уларнинг жаҳон гоминидлари эволюциясида тутган ўрни аниқланди.

5. Фарғона водийсида тош асри археологиясини ўрганишдаги қатор муаммолар ўртага ташланди ва улардан баъзилари ўз ечимини топди ҳамда ушбу ҳудудларда тош асри археологиясини ўрганишнинг истикболлари белгилаб берилди.

Илмий ишнинг манбавий асоси. Илмий ишни ёзишда тош даври археологиясини ўрганиш ишларининг бошланишидан, яъни 1955 йилдан то ҳозирги кунгача юртимизда ва хорижда чоп этилган адабиётлардан фойдаланилди. Шу билан бирга магистрнинг ўзи қатнашган археологик экспедиция материаллари ҳам қиёсий таҳлилда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий ишдаги асосий ҳолатлар Андижон Давлат Университетининг йиллик илмий нашрлари тўпламларида, ЎзР ФА Археология институтининг 2010 йилги дала-тадқиқотлари йиллик ҳисобот сессиясида ва шу институтнинг тош асри археологияси бўлимининг йиғинларида ҳамда Республика ёш тарихчи олимларининг илмий анжуманларида маърузалар қилинган. Маҳаллий ҳамда хорижий нашрларда муаллиф томонидан мавзу бўйича 3 та илмий мақолалар эълон қилинган (Хошимов Х.Б., 2009; 2010; 2010).

Ишнинг амалий аҳамияти. Ушбу илмий иш Ўрта Осиёдаги тош асри археологияси бўйича тўпланаётган манбашунослик базасини янада кенгайтиради. Бундан ташқари, қилинаётган бу иш натижаларидан университетлар тарих факультетларида маъруза ва махсус курсларда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот услуби. Маълумки, собиқ шўролар даврида тарихнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, ибтидой тарих ҳам сиёсатга ва мазкур тузум ғояларига бўйсундирилган эди. Натижада давр тарихини яратишда объективлик бузилди ва уни талқин қилишда қатор хатоликлар вужудга келди. Шўролар даврининг асосий ғояси эволюцион назария бўлиб, у бир қатор хато ва камчиликларга эга эканлиги маълум бўлиб қолмоқда ҳамда бу назария тарафдорлари ҳозирда жуда озчиликни ташкил қилади. Кейинги ўн йилликларда амалга оширилган тадқиқотлар прогрессив назариянинг тўғрилигини ва объективлигини исботламоқда. Шунинг учун илмий ишда ушбу илғор прогрессив назарияга асосланган тадқиқот услубидан фойдаланилди.

Муаллиф ушбу диссертацияни ёзишда катта ёрдам берганликлари учун ЎзР ФА Археология институтининг тош асри археологияси ва Турон археологияси бўлимлари ходимларига, Андижон Давлат Университети Тарих факультети, Ватан тарихи кафедраси мураббийларига, шу жумладан, т.ф.д., профессор Р.Т. Шамсутдиновга, Магистратура бўлими бошлиғи

А. Мамаюсуповга ва албатта, ҳар томонлама қўллаб қувватлагани ва дала ишлари ҳамда лаборатория машғулотларида ёрдамлари учун илмий раҳбари ЎзР ФА Археология институти катта илмий ходими т.ф.н.: Б.Қ. Сайфуллаевга чуқур миннатдорчилигини билдиради.

Илмий ишнинг структураси. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда тош асри археологик терминларининг изоҳли лўғатидан иборат.

I БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТОШ ДАВРИ ПАЛЕЭКОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон миқёсида тош асри жамоалари маданиятини ўрганишда Фарғона водийсининг ҳам алоҳида ўрни бор. Воҳа ландшафти, иқлимий шароити нуктаи назаридан ҳам ўзига хос минтақа бўлиб, тоғ, тоғ ёнбағри ва пасттеккислик каби сарҳадлардан иборатдир (**1-расм**). Бу экологик хусусият водийнинг ибтидоий жамоалари моддий маданиятида ҳам ўз аксини тоган.

Ўрта Осиё тарихи ва шу жумладан Фарғона водийси геологиясини ўрганиш тарихи бир неча босқичларга бўлинади. Фарғона водийсини ўрганиш, ўтмиш тарихдан то ҳозирги давргача давом этиб келмоқда. Албатта Фарғона водийси ҳақидаги биринчи маълумотлар хитой, араб ва бошқа манбалар орқали ўрганамиз. Бу эса ўз ўрнида Ўрта Осиёга келган саёхларнинг эсдаликлари (кундаликлари) асосида ёзилган манбалар ҳисобланади.

Фарғона водийсини геологиясини 30-йилларда А.Н. Розанов (Розанов 1938), 50-йилларда Н.И. Гериднева (Гирднев 1959) ва 70-йилларда Г.А. Мавлянов, А.Н. Нурматовлар (Мавлянов, Нурматов 1972) ўрганишиб, илмий мақолалар эълон қилишган.

Фарғона водийси иқлими кескин ўзгарувчан бўлиб, ёзи узун ва давомли иссиқ, куруқ, баҳори салқин ва илиқ, кузи куруқ ва қиши сезиларли даражада совуқ ҳисобланади. Энг юқори температура июл ойида +42-+45 °С, энг паст температура январ ойида -17 -25 °С бўлади. Намгарчилик асосон куз ва қиш ойларида бўлади, июл, август ойлари эса деярли ёмғир сезилмайди.

Худудда ўсимлик дунёси яхши ривожланмаган. Бу эса Фарғона водийсининг асосий қисми куруқ ва табиий иқлими кескин ўзгарувчанлигидан далолат беради. Ҳозирги даврга келиб ўзлаштирилмаган ерларда кўп йиллик ўт-ўланлар, ўсимлик эфирлари ва дарё бўйида ўсувчи ўсимликлар билан қопланган. Фарғона водийсининг Марказий қисмида XIX-XX асрларда ҳам кенг кўламда саксауллар кузатилган.

Фарғона водийсининг ҳайвонот дунёси кум текисликларда ҳар хил (Риптилия), кичик кемирувчилар, қуён, тулки, баъзида бўри ва сиртлонлар ҳам учраб туради. Ўтган асрда тўқайзорларда кузатилган тўнғиз ҳозирда сирдарё тўқайзорларида ҳам учраб туриши мумкин. Бунга эса топонимик маълумотлар далил бўла олади. Марказий Фарғонанинг шимолий қисмидаги Янгикадам яқинида жойлашган Тўнғизкўл бунга яққол далил бўла олади. XIX асрда Сирдарё тўқайзорларида, яъни Марказий Фарғонадан чеккароқ жойларда “Ўрта Осиё йўлбарси” кузатилган. Бу ҳақда Брокгауза ва Ефрона энциклопедик луғатларида, Андижон ва Наманган уездларида учрайдиган ҳайвонлар қаторида келтириб ўтилган¹.

Бронза даврига келиб Далварзинда, Қорадарёнинг чап қирғоғида жойлашган ва унинг қуйи қисмларида сайғоқ кулон ва жайронга ов қилинганлиги ҳақида ёзиб қолдирилган (Заденпровский, Кисляков 1965). Шуни такидлаб ўтиш керакки ҳаттоки ҳозирги даврга келиб ҳам водийнинг ҳайвонот дунёси бой деярли оламиз. Водийда ҳайвон ва қушларнинг 81 тури мавжуд. Водийнинг кўл ҳудудларида сувда яшовчи қушлар учун қулай жой бўлган. 60-йилларда Узункўлда ёввойи сув ўрдақларини кузатиш мумкин эди. О.К. Лангенинг айтишича Аччиқкўл ва Дамкўлда жуда кўп миқдорда кўл балиқларини кузатиш мумкин. Татқиқотчилардан бири 1969 йилги изланишлар

¹ Брокгауза С.А Ефрона Г.А. Энциклопедический словарь// Об охоте на тигра в Ферганском долине. том XXXVa М. 1902.-С 562

натижасида Янгихаётдан жануби-шарқда, олдинги Аччиккўл кўлида балиқ қолдиқлари топилган¹.

II БОБ. ФАРҒОНА ВОДИСИДА ҚАДИМГИ ТОШ ДАВРИНИ ЎРНАЛИЛИШ ТАРИХИ ВА МУОММОЛАРИ

Фарғона водийси ҳудудлари инсоният шаклланган ва тараққий қилган маданий ўчоқлардан биридир. Евроосиё ҳудудларида бўлгани сингари юртимиз тарихи ҳам палеолит ёки қадимги тош даврдан бошланади. Фарғона водийси тош даври жамоалари моддий маданиятига тегишли бўлган дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг 50-йиллар ўрталарига тўғри келади. Жумладан, Б.З. Гамбург ва Н.Г. Горбуноваларнинг Дамкўл атрофларида амалга оширилган тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этган. 1963-64 йиллар мобайнида Ю.А. Заднепровский водийнинг марказий сарҳадларида кенг кўламда тадқиқот олиб бориб, 21 та тош даврига тегишли маконлар кашф этишга муваффақ бўлган. Улар қаторига Фарғона водийсидаги Селунгир ҳамда Чашма, Ёдгорликларини келтириш мумкин, Шулардан энг аҳамиятлиси Селунгир ғори ҳисобланади (2-расм).

2.1. СЕЛУНГИР МАКОНИНИ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Селунгир ғори Сох дарёси водийсида, Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош бўлган Ҳайдаркон қишлоғи чеккасида денгиз сатҳидан 2000 м баландликда жойлашган². Ғорнинг кириш қисми Сох водийси тубидан 50 м юқорида, Қатрантоғ тизмасининг қуйи қисмидан ўрин олган. Ғорнинг эни кириш қисмида 34 м, баландлиги 25 м ва чуқурлиги 120 м га етади. Ёдгорликда дастлабки қазиш ишлари А.П. Окладников ва П.Т. Коноплялар томонидан 1955 йилда олиб борилган. 1964 йили М.Р. Қосимов эски қазишма деворини тозалаш натижасида 110 см чуқурликдан жигарранг кремнийлашган жинсдан ишланган тош буюмлар топган. А. П. Окладников билан М.Р. Қосимовлар ишлари оралиғида ғорни А. Пошка тадқиқ этган. Унинг хабар беришича, 1,5 м чуқурликдан гулхан, бир нечта кварцит буюмлар, суяк тешгич ва бигиз қолдиқлари топилган³. А. Пошканинг таъкидлашича, “кенг, қуруқ ва етарлича ёруғ ғор, қулай кириш қисмига эга бўлиб, унда ёзда ҳам ва қишда ҳам қулай ҳарорат ҳукм сурганлиги энг қадимги давр одамларининг диққатини тортмаслиги мумкин эмас эди”. Бу фикр, 1980 йилларда бошланган планли қазиш ишлари натижасида ўз тасдиқини топди. Ғорнинг кириш қисмида олиб борилган қазиш ишлари натижасида палеолит даврига оид бешта маданий қатлам аниқланган, кейинчалик учинчи маданий қатлам яна учта қатламга ажратилган⁴. Маданий қатламларнинг қалинлиги 20 см дан 40 см гача оралиғида ва улар 0,3 м дан 1 м гача қалинликдаги соф қатламлар билан ажралиб туради. Ғорнинг ётқизиклари туфлар, тош синикларини ўз ичига олган қумоқ тупроқдан иборат бўлиб, 8,5 м гача чуқурликда қазилган. Палеолит даври материаллари эса, 2,5 м дан 6,5 м гача чуқурликлардан жой олган. Уларнинг энг кўп тўпланган жойи қазилган жойнинг жанубий қисми бўлиб, шимол томонга қараб маданий қатламлар нураб боради. Бироқ, қазишмалар плани ҳанузгача чоп этилмаган⁴. Маълум қилинишича, 1981 йилда

¹ Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 23

² Касымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // ИМКУ. Вып. 7. 1966.С. 7-13;

³ Пошка А. Пещера Сел-Ун-Хур // ВА вып. 2. 1960.-С. 38.

⁴ Исламов У.И. Первая нинепалеолитическая пещерная стоянка в Ферганской долине // ОНУ. №8. 1984.- С. 4; Исламов У.И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.-С. 12; Исламов У.И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгур // ИМКУ. Вып. 19. 1984.-С. 5

64 кв м жой очиб ўрганилган. Горнинг кесмалари асосида геологик тадқиқот олиб борган М.Х. Годин уни иккита ритмоқалинликка ажратади: уларнинг қуйиси 5 ва 4 маданий қатламларни ўз ичига олиб, асосан лойли алевроитли қатламлардан иборат; юқоригиси эса, гор тоmidан кулаб тушган шағалли валунли материаллар орасида оҳак лойли ва туфли майда қатламлардан таркиб топган. Юқори ритмоқалинлик 4 марта ювилган, унга 3, 2 ва 1 маданий қатламлар киради. Ушбу қатламларнинг барчаси бузилмаган ва улар геологик жиҳатдан анча сокин даврда пайдо бўлган.

Селунгирдан 5000 та тош буюмлар (9-расм) казиб олинган. Ёдгорликда тош буюмларни ясашда сариқ жигаррангли яшма, кулранг яшил гилли сланец ҳамда тўқ кулрангли вулқон жинсларидан фойдаланилган. Хом-ашё ёдгорликнинг пастидаги дарё ўзанидан галка шаклида олиб келинган ва бу табиийки, Селунгир индустриясининг умумий кўринишига ўз таъсирини кўрсатган. Ёдгорлик тош буюмлари тўпламидаги учириндилари орасида йирик ва кўпол, зарб майдончалари кенг ва зарб бурчаги катта бўлганлари кўпчиликти ташкил қилади. Одатда улар калта ўлчамли. Пластиналар деярли учрамайди. Леваљуа типидagi учириндилар ҳам жуда камёб. Аниқланиши кийин бўлган тош бўлаклари, фрагментлари ва чиқитлар кўп учрайди. Нуклеуслар тўпланда кўп эмас, улар асосан ҳаддан ташқари ишлов берилган ташландик кўринишларга эга¹.

Иккиламчи ишлов берилган тош буюмлар фоизи ёдгорликдаги умумий тошларнинг ўндан бирини ташкил қилади. Тош куруллар орасида чопперлар, тўғри ёки бўртиб чиққан қиррали қирғичлар, ўйиб-кертиб ишланган куруллар, ретушланган тош бўлаклар ва учириндилар мавжуд. Бундан ташқари, тўпланда кливерлар, қўл чўқморлари, пайконлар ва лимаслар учрайди.

Селунгир ёри материаллари маданий жиҳатдан Осиёча ашел маданиятига киритилган. Маълумки, ашел илк палеолитнинг Европага хос маданиятларидан бири бўлиб, улар асосан бифаслар ишлаб чиқарилиши билан характерланади. Осиёча ашел эса ундан биров фарқ қилиб, бу ерда бифаслар яъни қўл чўқморлари билан бирга кливерлар ҳам учраши билан ажралиб туради. Ёдгорлик материаллари Олд Осиёдаги илк палеолит даврига оид Убайдия макони материаллари билан ўхшаш эканлиги аниқланган².

Илк палеолит даврига оид стратиграфиялашган ёдгорликлардан ташқари Селунгирга яқин бўлган Чашма қишлоғидаги Сох дарёси террасасидан айрим йиғма материаллар ҳам топилган². Уларни илк палеолитга оид дейиш учун жуда кам материаллар йиғилган³. Бунга ўхшаш материаллар Фарғона депрессиясининг бир қатор жойларидан топилган. Бунга А.П. Окладников томонидан 1954 йили Қайрағоч қишлоғидаги Ходка Бақирғон дарёси кесмаларидан топилган чопперни мисол келтириш мумкин³.

Маълумки, ҳозиргача ибтидоий давр тарихи соҳасида гоминидларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши борасида икки хил фараз мавжуд. Уларни моноцентрик ва палеоцентрик назарияларга ажратиш мумкин. Моноцентризм дастлабки одам аجدодларини Африка қитъасида пайдо бўлганлар ва кейинчалик дунёнинг бошқа ҳудудларига тарқалганлар, деган фикрни илгари суради. Бу назария фанда “Нух кемаси”

¹ Исламов У.И., Крахмаль К.А. Комплексные исследования древнепалеолитической пещерной стоянки Сель-Унгур // Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск. 1992.-С. 64-72;

² Исламов Ў.И. Селунгир одами ҳақида. Тошкент “Фан ва турмуш”, 1982, 17 б;

³ Coppens Y. The human revolution. Edinburgh: Edinburgh University Press, 1989, p. 7;

номи билан машхурдир ва ушбу фикр тарафдорлари кўхна қитъадан топилган ва топилаётган ҳамда бошқа ҳудудларда учрамайдиган гоминидларнинг энг қадимги типлари (австролопитеклар, хомо хабилислар) қолдиқларига асосланадилар. Ҳозирда бу назария жаҳон археология фанида ҳукмрон ғоя ҳисобланади. Палеоцентристлар эса, Евроосиё ҳудудларидан топилган илк палеолит даври ёдгорликларининг бир босқичдан иккинчисига “узлуксиз” равишда тараққий қилиб боришига асосланадилар. Бу назария фанда “канделябр” ёки “чилчирок” ғояси номи билан шуҳрат қозонган. Шунини таъкидлаш жоизки, кўхна қитъа яъни “Нух кемаси” ёки моноцентрик назария кейинги топилмалар билан янада мустаҳкам илдиз отиб бормоқда. Сўнги йилларда палеоантропологиядаги кашфиётлар, яъни Марказий Африкадан (Чад) архаик типдаги 200 минг йиллар билан саналанган замонавий одам қолдиқлари нафақат энг қадимги, балки замонавий одамларнинг илк шакллари ҳам шу кўхна заминда пайдо бўлганлигини кўрсатмоқда. Ибтидоий одамнинг энг қадимги типлари хомо хабилислар Евроосиё материгидан ҳали топилганича йўқ, бироқ хомо зотининг кейинги типлари хомо эргастерлар ҳамда эректеслар бу қитъани тўла эгаллаганлар. Евроосиёнинг бошқа кўп ҳудудлари сингари Ўзбекистон замини ҳам илк палеолит даврининг бошларида хомо эректуслар томонидан забт этилганлиги юртимиздаги археологик ёдгорликлар материаллари асосида ўз исботини топмоқда.

Бу даврнинг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиёда энг қадимги, қизиқарли ва муҳим аҳамиятга молик ёдгорликларидан бири Фарғона водийсидаги Селунгир манзилгоҳидир. У техник-типологик, палеонтологик, химик (уран-ион услуби асосида саналаш), палинологик, геологик, палеоантропологик ва бошқа услублар билан анчайин яхши ўрганилишига қарамасдан, ёдгорлик материалларининг интерпретацияси атрофида бир қатор мунозоралар бор. Авваломбор, Селунгирнинг санаси масаласида мунозорали фикрлар мавжуд. Ёдгорликни бевосита ўрганган тадқиқотчилар¹ манзилгоҳнинг санаси 1,5 миллион йиллар билан белгиланган. Бироқ, қатор чет эл адабиётларида унинг анчайин ёшартirilган хронологик даврларга хослиги тўғрисида фикрлар мавжуд².

Тилга олинган хорижий муаллифлар Селунгир қатламларининг санасини 300-250 минг йиллар билан белгиланган. Ёдгорикдан топилган антропологик материалларнинг ўрганилиши ҳам мунозораларга сабаб бўлиши мумкин. Негаки, бу топилмалар архантропларга хос, деб талқин қилинган. Бироқ, архантроп термини ўтган асрнинг 50 йилларида қабул қилинган бўлиб, улар қаторига гиббонлар ҳам киритилган эди. Кейинги ярим асрдан зиёдроқ вақт мобайнида қилинган кашфиётлар гоминидларнинг кўплаб аниқроқ физик типларини аниқлаш имконини берди ва архантроп термини муомиладан чиқариб ташланди. Бу нарсa палеантроп ва неантроп терминларига ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун, ҳозирда архантроп термини одам аجدодларининг физик типини белгиламайди. Селунгирнинг тадқиқотчилари ёдгорликнинг барча маданий қатламларини ашел даврига оид деб ҳисоблайдилар. Бироқ, Селунгирни бундай

¹ Исламов У.И. Первая нижнепалеолитическая пещерная стоянка в Ферганской долине // ОНУ. №8. 1984.- С. 5; Исламов У.И. Итоги и перспективы изучения пещерной стоянки Сель-Унгура // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.-С. 12; Исламов У.И., Оманжулов Т. Пещерная стоянка Сель-Унгура // ИМКУ. Вып. 19. 1984.-С. ; Исламов У.И., Зубов А.А., Харитонов В.М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгура в Ферганской долине // ВА. Вып. 80. 1988.-С. 23-27; Величко А.А., Кременецкий К.В., Маркова А. К., Ударцев В.П. Палеоэкология ашельской стоянки Сель-Унгура (предварительное сообщение) // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.-С. 34-37;

² Исламов У.И., Крахмаль К.А. Комплексные исследования древнепалеолитической пещерной стоянки Сель-Унгура // Раннепалеолитические комплексы Евразии. Новосибирск. 1992.-С. 35.

саналаш айрим мутахассислар томонидан шубҳа остига олинган¹. “Селунгир индустриясини ашелга оид деб, талқин қилиш жиддий шубҳа уйғотади: тўпланда ҳақиқий кўл чўқморлари бўлмаган ҳолатда ашел тўғрисида гапириш мумкинми? Бошқа бир томондан, хом ашёнинг характери (дарё галкаси), чопперларнинг мавжудлиги, типологик жиҳатдан аниқ нуклеусларнинг йўқлиги, калта ва йирик йўнилғиларнинг кўплиги ҳамда пластиналар ёки уларга яқин йўнилғиларнинг учрамаслиги Селунгирни Ўрта Осиёнинг, авваломбор, Қоратов ва Лахути ёдгорликлари материаллари билан яқинлигини кўрсатади. Агар Селунгирнинг барча қатламлари материалларини умумлашган ҳолатда олинса, бундай дейиш, токи ёдгорликнинг ҳар бешала қатламлари материаллари қатламма-қатлам синчиклаб ўрганилунига қадар ягона тўғри хулоса бўлиб қолади. Бу ҳолда Жанубий Тожикистон материаллари билан таққосланганда, Селунгирда айрим мустега хос тош буюмлар формалари мавжуд ва ҳатто, Селунгир биров архайк кўринишга эга. Афтидан, Селунгирни илк палеолитга хос ёдгорлик, деб ҳисоблаш билан бирга, уни ашелга эмас, балки галкали маданиятлар доирасига киритиш тўғри бўлур эди”. Аммо, бундай хулосага келган юқоридаги мутахассислар Селунгирда кўл чўқморларининг сериялари мавжудлигидан беҳабар кўринади.

Селунгир қатламларининг геологик қадимийлиги ҳам ҳозирда ўзининг тўлиқ исботини топган эмас. Ў.И. Исламов ва унинг ходимларининг мақолаларида ёдгорлик қатламларининг илк плейстоценга оидлиги ишонч билан таъкидланади. Бироқ, бунинг исботловчи далиллар ҳали етарли эмас². Палинологик ва фаунистик материалларнинг гувоҳлик беришича, ёдгорлик материаллари ўрта плейстоцен даврига хосдир³. Тош буюмларининг техник-типологик таҳлили эса, ёдгорликнинг абсолют санаси ҳақида етарли маълумотларни беради⁴. Шундай бўлсада, Селунгир Ўрта Осиёда ҳозирда маълум бўлган ёдгорликлар ичида энг қадимгиларидан биридир. Бу ҳақда антропологик, палеонтологик ва археологик материалларнинг биргаликда топилиши ҳамда юқори маданий қатламининг устидан олинган травертин бўлаги бўйича амалга оширилган уран-ион услуби билан саналаш натижалари:⁵ 126 +/-5 минг йил (ЛЮ- 936) шундан гувоҳлик беради. Шунинг учун Селунгирнинг тадқиқотчилари олдида ана шундай мунозорали масалаларга муносиб илмий жавоб бериш вазифасини қўяди. Шуниси ачинарлики, юқорида келтирилган айрим мунозоралар ёдгорлик материалларини яхши билмаслик асосида келиб чиқадиган, тушунмовчиликлардан бошқа нарса эмас. Шунинг учун, ёдгорлик материаллари бутун дунё олимларини қизиқтириб қолган бир пайтда унинг ҳақида тўлиқ ва аниқ техник-типологик тип-варақалари ишлаб чиқиши лозим.

2.2. ФЕРГАНТРОП ВА УНИНГ ГОМИНИДЛАР ЭВАЛЮЦИЯСИДАГИ ЎРНИ

Гоминидларнинг энг қадимгилари - Австралопитеклар (3 - расм) «инсониятнинг бешиги», деб аталадиган Африка қитъасида пайдо бўлган. Яқин кунларгача уларнинг ватани Шарқий Африка ҳисобланарди. Бироқ Чад ҳудудларидан топилган ва 7 млн. йиллар билан саналанган янги топилмалар қадимги Австралопитекларнинг дастлаб

¹ Ranov V. A., 1988, p. 1001; Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris, p. 1001.

² Вишняцкий Л.Б. Изучение палеолита Средней Азии (материалы, методы, концепции) // СА. № 1. 1989а.- С. 15;

³ Ранов В.А. О восточной границе мустьерской культуры // Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. Новосибирск. 1990.-С. 264.

⁴ Ranov V. A., 1993. Decouverte des civilisations d'Asie Centrale. Les dossiers d'Archeologie №185/Septembre 1993/ Paris, p. 6.

⁵ Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Санкт-Петербург. 1996.-С. 107.

Марказий Африка ҳудудларидан келиб чиққанлигини кўрсатмоқда¹. Австралопитекларнинг баъзи турлари эр. ав. 1 млн. йилларгача яшаганлар².

Гоминидларнинг навбатдаги типи – хомо хабилислар (4-расм) ҳам Африкада бундан 2,5 млн. йиллар муқаддам пайдо бўлди. Айнан улар дастлабки меҳнат қуролларини ясаган одамнинг ўтмишдошлари ҳисобланади³. Юқорида тилга олинган дастлабки гоминидларнинг ҳар иккала типлари ҳам Африка қитъасини тарқ этмаганлар.

Сўнгра, бундан 2 млн. йиллар илгари, яна ўша Эски Дунёда гоминидларнинг янги физик типи – хомо эргастерлар (5-расм) пайдо бўлиб, ушбу тип биринчи марта Яқин Шарқ орқали Евроосиё материгига илк қадам қўйган ўтмишдошимиз ҳисобланади. Унинг қолдиқлари Грузиянинг Дманисси деган жойидан топилган ва 1,81 млн. йиллар билан саналанган. Бу ҳозиргача Евросиё материгида маълум бўлган энг қадимги топилмадир⁴.

Бундан 1,5 млн. йиллар муқаддам гоминидларнинг яна бир янги физик типи – хомо эректуслар Африка ва Евросиёда кенг тарқалган. Евросиёда уларнинг энг қадимги қолдиқлари 1 млн. йиллар атрофида саналаниб, то 100 000 йилларгача яшаб келган⁵. Хомо эректуслар қолдиқларининг фанда энг машҳурларига Хитойда Синантроп (6-расм), Ява оролида Питекантроп, Озарбайжондаги Азих ғори топилмалари, Франциядаги Тутавел одами қолдиқлари, Испаниядаги Атапурка, Италиядаги Изерния, Грециядаги Петралона материаллари ва хокозоларни киритиш мумкин.

Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистон ҳудудида зинжантропга замондош аجدодларимиз яшаган. Ундан кейин яшаган одамзод аждоди питекантроплар (7-расм) бўлиб, улар бундан 1 млн йил бурун яшаган. Унинг замондоши ҳам Ўрта Осиё ҳудудида ҳозирча учрагани йўқ. Питекантроплардан кейин, яъни бундан 500-600 минг йиллар бурун яшаган одамзодининг илк излари Хитойдан топилиб, уларни олимлар синантроплар деб аташди. Синантроп топилган маконда (улар ғорларда яшаган) тошдан ишланган меҳнат қуроллари билан биргаликда қалин кул қатлами ҳам топилди. Шунингдек қалин маданий қатлам ва у қатлам ичида ҳайвон суяклари ҳам учраган. Бу қолдиқлар синантропларнинг ғорда узоқ вақт (бир неча юз минг йилликлар) яшаганлигидан гувоҳлик беради. Синантроплар давридан бошлаб одамзод биринчи бўлиб олов билан танишди ва ундан ўз ҳаёт фаолиятида фойдаланилди. Ана шу синантропларга замондош ибтидоий одам аждодининг излари Ўрта Осиёнинг бир неча жойларида учрайди. Бу давр аجدодлари ҳали тўда-тўда бўлиб яшаганлар.

Улар табиат иқлимини совиб айрим ҳудудларни музликлар қоплаган, айрим ҳудудларда эса тўхтовсиз ёмғирлар ёға бошлаган замонда яшаганлар. Бу давр ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичи-ашел даврига тўғри келади.

Синантроплар даврида ибтидоий аждодларимиз асосан ғорларда яшаганлар. Уларнинг кундалик тирикчилиги ёввойи дарахтларнинг мевалари, айрим ўсимликларнинг илдизлари эди. Улар биргалашиб йирик ҳайвонларни ов қилганлар. Бироқ ов ўлжаси ҳисобига кун кечириш синантроп замондошлар учун жуда оғир кечган. Шунинг учун бўлса керак, улар қурт-қумурсқа ва майда кемирувчи жониворларни ҳам истеъмол қилишга мажбур бўлганлар.

¹ Wood Bernard 2002. Hominid revelations from Chad. News and views. Journal: Nature Publishing Group, p. 133.

² Lumley H. de et al., 1984. Origine et Évolution de l' Homme. Paris, p. 93.

³ Leakey R. E., 1981. La naissance de l' Homme. Ed. du Fanal, p. 255.

⁴ Lordkipanidze D., Gagnepain J., 2003. La Géorgie berceau des Européens. Musée de Préhistoire de Gorges du Verdon Route de Montmeyan 04500 Quinson, p. 26.

⁵ Vandermeersch B., 1988. Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris, p. 61 et 516.

Бу давр одамларининг меҳнат қуроллари асосан тошдан, йирик ов ҳайвонларнинг суяк ва шохларидан ҳамда қаттиқ дарахт шохларидан ясалган. Афсуски, замоннинг зайли билан бизгача у қуроллардан фақат тошдан ясалгани етиб келган. Бу тош ўрганилган ва улар биринчи бор топилган макон номи билан ашел қуроллари деб аталган. Ашел типига қуроллар дастлаб Францияда топилди. Улар ясси тухумсимон қилиб ишланган, учли, найзасимон, қарама-қарши томонлари эса йўғонроқ тухумсимон бўлиб, олимлар бу қуролга қўл болтаси ёки қўл чўкмори **(10-расм)** деб ном беришди. Ана шу қурол ёрдамида ибтидоий аجدодларимиз йирик ҳайвонларга қарши ов қилганлар, ўсимлик илдизларини қовлаб ейиш учун бирор нарса тайёрлаганлар, ўлжа-ҳайвон гўштини майдалаган ва терини шилишганлар, дарахт шохларини кесиб, улардан қуроллар ясаганлар.

Ана шу шароитда Ўрта Осиёнинг ҳозирги чўл ва даштлари ландшафти расмийлашди ҳамда шу ландшафтга хос ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси шаклланди. Ашел даврининг охириги босқичига келиб, ҳаво кескин совийди. Оврўпанинг шимолий минтақаларини музликлар қоплайди. Ўрта Осиё эса, асосан унинг тоғли зоналарида музликлар ҳосил бўлиб, дарёлар оқимида ўзгаришлар юз беради ва янги-янги дарёларни шаклланишига олиб келади. Ўрта Осиё музликлари воҳаларни қоплаган бўлиб, улар асосан тоғли вилоятлар дарасида таркиб топади. Ўрта Осиё пасттекисликлари эса ёмғирлар узлуксиз ёғиб ҳавони гоҳ совиш, гоҳ илиши кузатилади ва улар билан боғлиқ ҳолда ўсимликлар дунёси оиласида ҳам ўзгаришлар минтақанинг бу қисмида юз беради. Қалин ўрмонлар ўрнини чўл минтақасига хос ўсимликлар егаллайди. Ўрта Осиё шароитида рўй берган бу ўзгаришлар минтақанинг айрим раёнларида илк аجدодларимизнинг манзилгоҳлари Фарғона водийсининг Сўх раёнидаги Селунгир ғоридан ва Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳри яқинидаги Кўлбулоқ маконида топиб ўрганилди.

Селунгир ғори академик А.П.Окладников томонидан топиб ўрганилган. Олим у ерда археологик қазилмалар ўтказиб, топилган тош қуролларга қараб, ғор юқори палеолит даврида, яъни бундан 40-30 минг йил бурун ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирган деган хулосага келади. Аммо 1980 йилдан бошлаб А.П.Окладниковнинг шогирди, ўзбек археологи, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси Ў.Исломов ғорни қайта ўргана бошлади. Ў. И. Исломов ғорнинг бир неча жойида қазилмалар ўтказиб, тошдан ишланган жуда бой меҳнат қуроллари ва ҳайвон суяқларини топди. Олим Селунгирда яшаган аجدодларимизни ғорнинг қадимги тош даврининг юқори палеолит босқичида эмас, балки ашел даврининг босқичида ўзлаштирганликларини исботлади. Селунгир ғори тарихимиз учун бениҳоят муҳим ёдгорлик. Бу маконда аجدодларимизнинг суяк қолдиқлари ҳам топилди. Антрополог олимлар Селунгир суяк қолдиқларининг синантропларга замондош эканлигини айтмоқдалар. Селунгирнинг асосий тадқиқотчиси Ў. И. Исломов эса ғор материалларини қайтадан ўрганиб, уларнинг ёши яқин бир млн йил атрофида бўлиши керак, деган хулосага келди. Селунгир одамнинг қолдиқлари Фарғона водийсидан топилгани учун унга "Фергантроп" яъни "Фарғона одами" деган шартли ном бериш таклиф қилинмоқда. Селунгирдаги илмий изланишлар ва у ердан топилган ер юзида одамнинг пайдо бўлиши муаммоси ечимига қўшилган улкан ҳисса бўлиб, эндиликда Ўрта Осиё ҳудудида одамзот илк бор пайдо бўлган минтақалар қаторига кирди.

Ашел даврининг сўнгги босқичида, тахминан бундан 200 минг йиллар бурун қадимги аجدодларимиз Кўлбулоқ яқинида ўзларига қароргоҳ топганлар Кўлбулоқ қароргоҳи Ангрен шахридан 10-12 км ғарбда бўлиб, шу ном билан аталган булоқ суви ёқасида жойлашган. Ёдгорликда бир неча юз минг йиллар давомида ибтидоий аجدодларимиз яшаганлар. Кўлбулоқ манзилгоҳи 1862 йилда топилди ва 1963 йилдан бошлаб бу ерда ўзбек археологи М.Р.Қосимов изланишлар олиб борди. Ёдгорликни казиш жараёнида унинг қадимги тош даврининг деярли барча босқичларига (ашел, мусте, юқори палеолит) тегишли эканлиги исботланди. Кўлбулоқда одам қолдиқлари топилмаган, аммо тош қуроллар ва ҳайвон суяклари беҳисоб. М.Р.Қосимовнинг фикрига кўра Кўлбулоқнинг қуйи қатлами ашел даврининг сўнгги босқичига тегишлидир. Ушбу ёдгорлик бутун Ўрта Осиё қадимги тош (палеолит) даври ёдгорликлари учун археологик даврий тизим берди. Юқорида баён этилган далилларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин.

Ўрта Осиё, жумладан Фарғона водийси ўзининг табиий-иқлим шароитида ва экологик имкониятларига кўра ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичи-ашел давридан бошлаб энг қадимги аجدодларимизнинг эътиборини ўзига тортган ва бу минтақадаги Селунгир ғорида синантропларнинг замондошлари илк бор макон топган. Бу макондан одам суяк қолдиқлари топилди. Бу воқеа Ўрта Осиёни одамнинг пайдо бўлиш минтақалари тузумига киритди.

Селунгир топилмаси жуда ёмон сақланган. Аммо академик В.П.Алексеев ва профессор Т.К.Хўжаевлар фикрига кўра, бу ердан топилган одам бош суяги қопқоғининг морфологик тузилиши унинг жуда қадимий ва ғордан топилган бошқа кимёвий далиллар билан замондош эканлигини инкор этмайди. Ушбу топилма ўз аҳамияти билан Ўрта Осиё ҳамда Ўрта Шарқ минтақасида тенгсиз кашфиёт ҳисобланади. Бироқ, Селунгир ғори материалларини дунёга танитиш, уни ўрганишни жаҳон стандартлари даражасига кўтариш ва шу билан бирга унинг атрофида мавжуд бўлган ҳар хил зид мунозораларга¹ чек қўйиш ишлари биров орқада қолмокда. Бунга амалга ошириш учун фикримизча, қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

1. Ёдгорликдан топилган 5000 дан зиёд тош буюмлар ўта умумийлаштирилган ҳолда етарлича ўрганилмаган бўлиб, уларни техникo-типoлoгик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этиш зарур;
2. Ёдгорликнинг маданий қатламларидан олинган тупроқ намуналари турли хил физикавий ва кимёвий усуллар ёрдамида дунёнинг шу соҳага ихтисослашган ва танилган лабораторияларида таҳлил қилиниши лозим. Селунгир ғори тадқиқотчиларидан бири Ў.И.Исламов бир вақтлар бунга қўл урган эди, бироқ бу ишлар кейинчалик намуналарни маҳаллий институтларда таҳлил қилиш билан чекланиб қолди.
3. Селунгир ғори қатламларидан топилган Фергантроп суяк қолдиқлари архантропларга хос², деб талқин қилинган ва уларнинг қадимийлигини аниқлашда асосан Тешик-Тош ёдгорлиги материалларига таққослаш асосида амалга оширилган. Шунинг таъкидлаш жоизки, архантроп термини фанда ўтган асрнинг 50-йилларида қабул қилинган бўлиб, унга даставвал гиббонлар ҳам киритилган эди. Хозирда бу термин (шунингдек,

¹ Исламов У.И., Крахмал К.А., 1995. Палеоэкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Ташкент «ФАН».-С. 3-320.

² Ranov V. A., 1988. Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris, p. 101.

палеантроп, неантроп терминлари ҳам) эскирган ва муомиладан чиқарилган¹. Тешик-Тошдан топилган неандертал боланинг (8-расм) суяклари билан Фергантроп қолдиқларини таққослаш ҳам унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бир неча юз минг йиллар билан саналанган Фарғона одамини ёши 60 минг йилдан ошмайдиган Тешик-Тош ғори топилмалари билан таққослаш кутилган натижаларни бермайди. Бундай аналогияларни Хитойдаги Синантроп ҳамда Европадаги Фергантроплар билан тенгдош материалларга таққослаб амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, Фарғона одами суяк қолдиқларига бағишланган коллоквиум ташкил қилиниши ва унга дунёнинг кўзга кўринган мутахассислари таклиф этилиши ёки бўлмаса бу материаллар йирик фан марказларида апробациядан ўтказилиши лозим.

Юқоридаги вазифалар амалга оширилган тақдирдагина, Селунгир ғори материаллари ва унинг санаси масалалари атрофидаги ҳар хил мунозорали қарама-қаршилиқларга чек қўйилиши ҳамда Фергантропнинг гоминидлар эволюциясида тутган бебаҳо ўрни янада мустаҳкамланиши мумкин.

2. 3. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМГИ ТОШ АСРИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ.

Ибтидоий даврнинг тош асрида ижтимоий иқтисодий ҳаёт жуда кескин даражада ривожланиб борган. Чунки, инсон яшаши учун унга албатта озуқа керак бўлган уни топиб ейиш учун унга меҳнат қуроли керак бўлган. Инсон дастлаб ҳўжаликда оддий учи ўткирроқ ёғоч ёки дарахт новдаларидан фойдаланган. Яъни улар ёрдамида дарахтдан ёввойи меваларни қоқиб еган, дарахт илдизларини қовлаб еган. Кейинги босқичларда эса инсон тош асрида меҳнат қуролларини яратиш учун фойдаланилган жисмларни – хом ашё танлаш, уни қидириб топиш, қазиб чиқариш, ва дастлаб қайта ишлаш технологияси каби масалалар ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ибтидоий даврнинг энг дастлабки босқичларида кишилар меҳнат қуролларини яшаш мақсадида турли қаттиқ жисмларни, айниқса тошларни “синаб” кўришган. Бу жараён узоқ вақт давом этган. Сабаби, дастлабки танланган тош жинслари ўзларининг турлича сифатлари билан ва турмушда уларни қўлланилиши натижаларига нисбатан ҳам ўз ўрнини топа олмаган. Шу боисдан узоқ тажрибалар талаб қилинар эди. Масалан, энг қадимги даврларга доир маконларни ўрганиш борасида бундай жараёни кузатиш имкониятига эга бўлинди. Аста - секин кишилар қурол яшаш усун тош жинсларнинг сифат сирларини билиб олишга эришдилар. Хусусан, чакмоқтош бу борада жуда қўл келди. Зеро, чакмоқтош, аввалам бор ўзининг чиндан мустаҳкамлиги, уни синдириш, қайта ишлаш жараёнида зарур ва ўткир қиррали парақа, ҳамда учирма парақаларни бериш хусусиятларига эга бўлиб, бундай бўлақлардан кишилар оддий, ўз даврига хос ва зарур турмуш қуроллари яратиш сирларини билиб олишган. Бу жараён ҳам узоқ вақтни талаб қилган. Тўғри, чакмоқтош бўлмаган ҳудудларда эса, шунга ўхшаш тош жинсларидан фойдаланишган. Аммо, фойдаланилган тош жинсларининг хусусиятига нисбатан яратаилган меҳнат қуролларининг “ишчанлик” сифати турлича бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралганда ҳам жаҳоннинг турли ҳудудларида ўрганилган макону манзилгоҳлардан топилган меҳнат воситаларининг “этнографик жиҳатдан” (Мавлон Жўрақулов) фарқи бўлиши мумкин.

Демакки, ибтидоий даврда қон ишлари турмушда муҳим аҳамият касб этган, зеро қон ва шахталардан чакмоқтош қазиб олиш, ҳамда улардан меҳнат қуролларини яшаш учун бўлақларни танлаш, бирламчи ишлов бериш жараёнини кузатиш, шу нуқтаи

¹ Ranov V. A., 1993. Decouverte des civilisations d'Asie Centrale. Les dossiers d'Archeologie №185 /Septembre 1993. Paris, p. 6.

назардан курол ишлаб чиқариш технологик маданиятни кузатиб, хулосаларга келиш, ибтидоий давр тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Дала археологик татқиқотлар туфайли чакмоқтош конлари, улардан фойдаланиш усуллари, ҳамда олинган хом ашёга бирламчи қайта ишлов бериш устахоналари топиб ўрганиш юқорида эсланганимиздек ибтидоий тарих ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. Хусусан, шундай ёдгорликлар Кавказ, Белгород вилоятида, Беларуссия, Волга бўйлари, Украина ва Сибирдан топилган.

Ўрта Осиё микёсида устахона ва конлар Қирғизистоннинг Олой тоғидаги дарасидан, Ўзбекистондаги Нурота тоғ тизмасининг Коратовидан Охонгорон воҳаси ва Қизилқум каби кенг ҳудудлардан сероб топиб ўрганилган. Бу ўринда, айниқса ЎзФА археология институти экспедицияси академик Я.Ғ. Ғуломов раҳбарлигидаги бўлим томонидан 1951-1965 йилларда ўрганилган Қопчитой, Қоратов ва Оҳангорон чакмоқтош устахоналарининг ўрганилиши қизиқарли натижалар берди.

Қопчитой палеолит даври устахонаси Фарғона шаҳридан 40 км жанубда, Олтой тоғининг Данги дарасида жойлашган. Тўғри, айтилиши вақтда бу ёдгорлик Қирғизистоннинг Ўш вилояти ҳудудига қарашли бўлиб, бу ҳудудда дастлаб атоқли олим А.П. Окладников, кейинчалик М.Р. Қосимов томонидан қизиқарли татқиқот ишлари бажарилди. Бу ерда, очиқ жойда чакмоқтош қони мавжуд бўлиб, палеолит давридан бошлаб инсон жамоалари фойдаланиб келган экан. Ёдгорликни текшириш жараёнида сон-саноксиз чакмоқтош синиқлари, хилма-хил ўзаклар, курол яшаш учун мослаштирилган бўлақлар ва чиқиндилар топилган. Маълум бўлдики, кишилар гуруҳлари бу кондан ашел даврининг сўнгги босқичларидан этиборан фойдаланиб келган эканлар. Қизиқарлиси шундаки, бу хом ашёдан кенг доирада яшаб келган қўшни ҳудудлар жамоалари ҳам фойдаланишган экан. Устахона ҳатто мезолит ва неолит давларидаги ҳам “хизмат” қилган. Масалан, Тошкўмир, Қўшилиш ва бошқа қатор неолит маконларидан топилган меҳнат куроллариининг маълум қисми шу кон ва устахона манбалари асосида ясалганилиги маълум бўлди. Тош асрида яшаган жамоалар усталари фақат зарур куроллар билан кифояланмасдан узоқ-яқин ҳудудлардаги қароргоҳларга ҳам ташиб кетишганлар.

Сўнгги йилларда эса ёдгорлик Т. Мирсоатов томонидан астойдил ўрганилди ва бу текшириш ишларига Санк-Петербургнинг етакчи мутахассисларидан проф. С.А. Семенов, Г.Ф. Коробковалар жалб қилинди. Бу қароргоҳдан топилган ашёлар инсон жамоаларининг илк палеолит давридан бошлаб ундан фойдаланиб келганликларидан гувоҳлик беради. Бу ерда бир неча кон-шахталар қазиб кўрилди. Топилма кон ишлари меҳнат воситалари ва тош жинслари асосида Археология Институти қошида ибтидоий техника лабораторияси, унинг музейи барпо қилиниб, Ватанимиз тарихи билан қизиқувчилар учун илмий-услубий кўргазмалар муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида зикр этилганидек, чакмоқтош сифати жиҳатдан ранг кўриниши туфайли ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Ибтидоий жамоалар чакмоқтош сингари сифатли хом ашёдан эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан фойдаланганлар. Ёдгорликларни ўрганиш жараёнида шу воқеалар кузатилганки, одамлар тош учирмаларини, ишланган ўзакларни мутлақо ташлаб юбормасдан, уларга қайта ишлов бериб, турли юмушлардан кенг фойдаланишган. Ибтидоий даврда чакмоқтош хом ашёси буюм алмашиш воситаси ўрнида ҳам ишлатилган. Хуллас, чакмоқтош конлари мавжуд бўлган ҳудудларда яшаган жамоалар хом ашёларини текинга беришмаган. Тўғри, қўни-қўшничилик ҳам унитилмаган. Демак, чакмоқтош конлари жамоалараро иқтисодий ва маданий алоқа воситаси сифатида ҳам ўз даврида муҳим рол ўйнаган. Шунингдек, ибтидоий давр кишилари шу тарзда меҳнат куроллариини яратиш борасида ҳам ўзаро тажрибалар орттирган, бир-бирлаиға таянган ва кўмаклашганлар. Хуллас, чакмоқтош конлари ва

улар билан боғлиқ устахоналарни тадқиқ қилиш, илк аجدодларимиз маданият тарихини муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Умумий хулоса қилганда, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудларида қадимги аجدодларимиз – архантроплар яшаб, даврига нисбатан юқори маданият яратганлар. Хусусан, Ўрта осий ўзининг табиий иқлими ва экологик имкониятларига нисбатан ибтидоий тўда даврининг ўрта босқичи - ашел давридан бошлаб энг қадимги аجدодларимиз этиборини тортган, шунингдек бу минтақаларда Селунгир ғорида синантропларнинг замондошлари илк бор макон топган. Бу далиллар Ўрта Осиёни одамнинг пайдо бўлиши ҳудудларига киритиш имконини берди.

Юритмизда яшаган илк палеолит даври одамлари овчилик ва балиқчилик билан кун кечирганлар. Селунгирнинг маданий қатламларидан 30 та ҳайвон индивидларига оид 4000 дан зиёдроқ ҳамда қушлар ва риптилияларнинг айрим суяк қолдиқлари топилган. Уларга скалпел билан ишлов берилаётганда майда бўлақларга бўлиниб кетади. Фаунистик материалларнинг 30%игина аниқланган. Суяк қолдиқларининг парчаланиб кетганлиги ва уларнинг тош қуроллари билан бир қатламда ётганлиги бу ҳол қадимги одамлар фаолияти билан боғлиқ дейиш имконини беради. 1 ва 2 маданий қатламларда қўй, сибир тоғ эчкиси, буғи, ғор айиғи, тоғ хўкизи каби ҳайвон суяк қолдиқлари кўпчиликни ташкил қилади. 3 ва 4 маданий қатламлардан ибтидоий тур, каркидон, қўй ва эчки суяклари қолдиқлари топилган. Бундан ташқари, Селунгирдан бўри, тулки, ғор шоқоли, ғор шери, плейстоцен даври эшаги ва отлари суяклари қолдиқлари аниқланган. Шунингдек, ғорда майда сут эмизувчиларнинг – кемирувчиларнинг 10 та тури аниқланган. Улар орасида помир дала сичқони ва шарқ кўр сичқони кўпчиликни ташкил қилади. Бундан ташқари, ғордан кулранг олмахон ва қизил думли кумсичқонларининг суяк қолдиқлари ҳам учрайди. Кемирувчилар фаунаси, мутахассисларнинг таъкидлашича, дарёлар бўйларида ўрмонлар сақланиб қолган тоғ дашти иқлими шароитлари ҳукм сурганлигидан далолат беради.

Селунгир ғорида ҳаёт ҳукм сурган кезларда дашт шароитлари ҳукмрон бўлганлиги ҳақида палинологик тадқиқотлар ҳам гувоҳлик беради.

Селунгир манзилгоҳи маданий қатламларидан ўчоқ қолдиқлари топилиши, бу давр одамлари табиий оловни кашф қилганликлари ва гўшни пишириб истеъмол қилганликлари ҳақида гувоҳлик беради.

Юритмизда ўрта палеолит даврида яшаган аجدодларимиз ҳам овчилик ва термачилик каби ўзлаштирувчи ҳўжалик фаолиятлари билан шуғулланганлар. Бу ҳақда ёдгорликлардан топилган фаунистик ва флора қолдиқлари гувоҳлик беради. Масалан, Тешик-тош ғорида асосан тоғ эчкисига ов қилинган ва бу ердан топилган боланинг кабрига шохларнинг қадаб қўйилиши, бу ҳайвоннинг тотем даражасига кўтарганликлари ҳақида гувоҳлик бериши мумкин. Тотемизм билан бирга, марҳумнинг бош қисмига қадалган тоғ эчкисининг шохлар айлана шаклга эгалиги куёш рамзи, деб талқин қилинади. Айтиш мумкинки ўрта палеолитда яшаган неандерталлар асосий ов объекти бўлган ҳайвонларда сиғинишда ўз аксини топган тотемизм ва фетишизм каби дини тасавурларга эга бўлганлар. Яна айтиш лозимки, ўрта палеолит давридан бошлаб одамларда у дунё ҳақида тасавурлар мавжуд бўлган ва шунинг учун кўмиш ва у билан боғлиқ бўлган удумлар пайдо бўлган. Тешик-тош ғоридан топилган ёш қизчанинг қабри бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Ваҳолангки бу қизалоқ ҳали жамоага бирон бир фойда келтирадиган даражада эмас эди. Шундай бўлсада уни ҳурмат эҳтиром билан кўмилиши, ўша давр аёлларига бўлган катта эътибор, деб қаралиши мумкин. Шунингдек, Зарафшан водийси ва Тошкент воҳасидаги ёдгорликлар маданий қатламларидан отлар (Кўлбулоқда 43%) тоғ эчкиси, буғу, архар, қора мол ва ҳоказо ёввойи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилган. Ов қуроллари сифатида ёғоч

таёқчалар учларига ўрнатилаган пайконлар ўта муҳим вазифани ўтаган. Ёдгорликлардан кўплаб териға ишлов бериш, гўшт тақсимлашға мўжалланган тош қуроллар топилган. Ибтидоий гуруҳлар булоқ, дарё ва бошқа сув ҳавзаларига яқин ҳамда тош қуроллари ясаш учун ҳам ашё бор жойларда, шунингдек, мўтадил иқлимли кенг ва ёруғ ғорларда истикомат қилганлар. Ибтидоий аجدодларимизнинг хўжалик фаолияти сўнгги палеолит давриға келиб янада такомиллашади. Бироқ, ҳали бу даврда ҳам ўзлаштирувчи хўжалик фаолияти ҳукмрон бўлиб қолади. Одамлар асосан овчилик ва атрофдаги ейишға яроқли ўсимликларни териб истеъмол қилиш билан шуғулланади. Бироқ, бу даврда овчилик усуллари такомиллашади, узун ва сифатли, ўткир тиғлар ва пайкон каби мукамал ов қуроллари пайдо бўлади. Тошға ишлов бериш техникаси такомиллашади, юпқа ва пичоксимон пластиналарни синдириб олиш ўйлға қўйилади. Сув бўйларида чайлалар қуриб ёки ғорларда узоқроқ муддат яшай бошлайдилар. Эстетик тасаввурларнинг пайдо бўлишидан гувоҳлик берувчи табиий бўёқлар охралардан фойдаланиш ва чиғаноқлардан ясалган айрим тақинчоқлар пайдо бўлади.

Юртимизда яшаган илк палеолит даври одамлари овчилик ва теримчилик билан кун кечирганлар. Селунгирнинг маданий қатламларидан 30 та ҳайвон индивидларига оид 4000 дан зиёдроқ ҳамда қушлар ва рептилияларнинг айрим суяк қолдиқлари топилган. Суякларнинг сақланиш даражаси жуда ёмон: улар одатда уваланиб кетган, корбонат цементли қоплама билан қопланган. Уларға скалпел билан ишлов берилаётганда майда бўлақларға бўлиниб кетади. Фаунистик материалларнинг 30 % игина аниқланган. Суяк қолдиқларининг парчалиб кетганлиги ва уларнинг тош қуроллар билан бир қатламда ётганлиги бу ҳол қадимги одамлар фаолияти билан боғлиқ дейиш имконини беради. 1 ва 2 маданий қатламларда қўй, сибир тоғ эчкиси, буғу, ғор айиғи, тур хўкизи каби ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари кўпчиликини ташкил қилади. 3 ва 4 қатламларда ибтидоий тур, каркидон, қўй ва эчки суяклари қолдиқлари, 5 маданий қатламда эса, қўтос суяк қолдиқлари топилган. Бундан ташқари, Селунгирдан бўри, тулки, ғор шоқали, ғор шери, плейстоцен даври эшағи ва отлари суяклари қолдиқлари аниқланган. Шунингдек, ғорда майда сут эмизувчиларнинг – кемирувчиларнинг 10 та тури аниқланган. Улар орасида помир дала сичқони ва шарқ кўрсичқони кўпчиликини ташкил қилади. Бундан ташқари, ғордан кулранг оғмахон ва кизил думли қумсичқонларнинг суяк қолдиқлари ҳам учрайди. Кемирувчилар фаунаси, мутахассисларнинг твёкидлашича, дарёлар бўйларида ўрмонлар сақланиб қолган тоғ дашти иқлими шароитлари ҳукм сурганлигидан далолат беради.

Селунгир ғорида ҳаёт ҳукм сурган кезларда дашт шароитлари ҳукмрон бўлганлиги ҳақида палинологик тадқиқотлар ҳам гувоҳлик беради. Ғордаги гулчанг спектрларининг таксономик таркиби кесмага кўра сезиларли даражада ўзгаришларға учрамайди. Ёғоч танали гулчанглар орасида қайин ва ўрмон ёнғоғи, ўтсимонлар орасида эса, рўянсимонлар, шувок, бошоқлилар ва бошқалар учрайди. Тахмин қилинишича, ўша даврларда водийда ва тоғнинг пастки қисмларида чўл шароитлари ҳукм сурган ва дарё бўйларида қайин, қандоғоч, тоғларда арчалар, янада баландроқда эса, йирик баргли ва игнабаргли ўсимликлар ўсган. Шундай қилиб, палеолит даврида ғор атрофининг иқлими ҳозиргига нисбатан анча мўтадил бўлган.

Селунгир манзилгоҳи маданий қатламларидан ўчоқ қолдиқларининг топилиши, бу давр одамларининг табиий оловни кашф қилганликлари ва гўштни пишириб истеъмол қилганликлари ҳақида гувоҳлик беради.

III БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЎРТА ВА ЯНГИ ТОШ ДАВРИ

3. 1. ОБИШИР – МЕЗОЛИТ ДАВРИ МАДАНИЯТИ.

Яқин кунларгача Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда мезолит даври яхши ўрганилмаган ҳисобланарди, гарчи бу давр ҳақида дастлабки маълумотлар XX асрнинг бошларида пайдо бўлган бўлсада¹. Б.З. Гамбург, Н.Г. Горбунова, Ю.А. Заднепровский, Ў.И. Исломов, В.И. Тимофеев каби олимларнинг изланишлари туфайли Марказий Фарғонада, Е.Б. Бижанов ва А.В. Виноградовлар томонидан Устюрт платосида кўплаб мезолит даври маконлари топилди, натижада бу давр ёдгорликларининг турли-туман маданий даврий интерпретацияси ҳақида гапириш имкони туғилди.

Ҳозирги кунда Ўрта Осиёда мезолит даврига оид 30 га яқин стратиграфиялашган ва 200 дан зиёд топилмажойлар аниқланиб, шулардан катта қисми Ўзбекистон ҳудудларига тўғри келади. Биринчи гуруҳ ёдгорликларига Обишир 1-5, Мачай ва Қўшилиш маконлари киритиш мумкин; иккинчи гуруҳга очик типдаги ёдгорликлардан: Айдабол 25, Лявлякон 24 ва бошқалар киради. Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам мезолит даври ёдгорликлари хронологик жиҳатдан илк ва сўнги даврларга ажратилган. Бироқ юртимиздаги бу давр материалларининг аксарияти сўнги мезолит даври билан саналанади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг мезолит даври ёдгорликлари нисбий хронологияси стратиграфиялашган ғорлар (Дам-Дам-Чашма 1 ва 2, Кайлю, Жебел, Обишир 1-5, Тош-Қўмир, Истик), ҳарсанг айвонлар (Оқ- Танга, Даран-Шўр) ҳамда очик ёдгорликлар (Ошхона, Туткаул, Сай-Сайёд, Қўшилиш) ва бошқалар асосида аниқланади². Абсолют саналаш эса, радиоуглерод услуб ёрдамида амалга оширилган (Учаши, Мачай). Умуман Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг мезолит даври эрамыздан аввалги XI-VII минг йилликларни ўз ичига олади³.

Ҳозирда мезолит даври ёдгорликларини маданиятларга ва вариантларга ажратиш ҳоллари кузатилади. Масалан, Г.Ф. Коробкова томонидан Марказий Фарғона мезолитини алоҳида маданиятга ажратиш таклиф этилган⁴. Кейинчалик, Г.Ф. Коробкова Марказий Фарғона мезолитини иккита вариантга: фарғона текислик ва обишир ғор манзилгоҳларига ажратган, аммо уларнинг ўзаро маданий алоқалари масалалари

¹ Окладников А.П. Изучение древнейших археологических памятников Туркмении // КСИИМК. № 28. 1949.-С. 142; Окладников А.П. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова // Труды ЮТАКЭ. Т. 2., 1951.-С. 77; Окладников А.П. Палеолитическое время на Тяньшане и Енисее // История Киргизии Т. 1. Фрунзе. 1956.-С. 126; Окладников А.П. Работы палеолитического отряда в 1958 г. (предварительное сообщение) // Известия АН Узб.ССР. серия общественных наук. № 4. 1958.-С. 45; Парфенов Г.В. Работа кружка юных археологов института истории и археологии АН Узб.ССР в 1060 г. // ОНУ № 4. 1961.-С. 11.

² Исламов У.И. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита в Узбекистане//Каменный век Средней Азии и Казахстана. Тез. Докладов. Ташкент. 1972.-С. 44-45; Исламов У.И. мезолитические памятники Ферганской долины // ИМКУ № 9. Ташкент. 1972а.-С. ; Исламов У.И. Результаты раскопок пещерных стоянок мезолитического времени в Узбекистане // УСА. № 1. 1972в,;

³ Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. Док. Дисс. Новосибирск. 1977.-С. 40; Там же.-С. 27; Там же.-С. 25; Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 60. Романова Е.Н., Семенов А.А., Тимофеев В.И. Радиоуглеродные даты образцов из Средней Азии и Казахстана. Лаборатории ЛОИА АН СССР // УСА. М. 2. 1972.-С. 58;

⁴ Марков Ю.Н., Образцов В.А. Датирование древних памятников Туркмении и соседних областей методом радиоуглеродного анализа // ИАН Туркмении. Серия общест. Наук №6. 1981.-С. 74-77;

тушунтирилмаган. Бироқ, Ў.И. Исломов¹ томонидан Обишир 1-5 ёдгорликлари материаллари (11-12-расм) илмий таҳлил қилиниб, уни алоҳида Обишир маданиятига ажратилади ва у номаълум сабабларга кўра Фарғона мезолит комплекслари орасида жойлашади. Шунингдек, Ў.И. Исломов томонидан яна иккита Тошкент ва Сурхондарё маданиятлари ажратилади, бироқ, бу ҳар иккала маданиятга ҳам биттадан ёдгорлик киритилади. Тошкент маданиятига Қўшилиш, Сурхондарёга Мачай ёдгорликлари киритилган². В.А. Ранов томонидан баланд Помир тоғлари ёдгорликлари учун Маркансуй маданиятининг таклиф этилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради³. Ушбу муаллиф ва унинг ҳаммуаллифлари томонидан кейинчалик Вахш маданияти тушунчаси илгари сурилган⁴.

Обишир маданияти. Территориал ва маданий тарихий жиҳатдан Фарғона ҳудудларида мезолит даври ёдгорликларининг катта гуруҳи алоҳида ажралиб туради. Ҳудудда олиб борилган чорак асрлик тадқиқотлар: 1958 йилда Б.С. Гамбург ва Н.Г. Горбуновалар, 1963-1964 йилларда Ю.А. Заднепровский⁵, 1965-1966 йилларда Ў.И. Исломов⁶,

1967, 1969 ва 1970 йилларда В.И. Тимофеевларнинг изланишлари натижасида бу ердан мезолитнинг турли босқичларига оид 40 дан зиёд ёдгорликлар очиб ўрганилган⁷. Уларнинг катта қисми маданий қатламлари сочилган манзилгоҳлар ва топилмажойлардан иборат. Одатда бу ёдгорликлар гуруҳлашган ҳолатда Сирдарё бўйларида, Дам-Кўл, Аши-Кўл, Иттак-Қалъа, Шўр-кўл, Узун-кўл, Тайпоқ-кўл каби эски кўллар атрофида, қум котлованлари, булоқлар, Қизилтепа қум массивларининг устки қисмларида жойлашган. Топилмаларининг сонига

кўра Сариксув (1000 та топилма), 3-пункт (358 та топилма), Иттак-Қалъа 1 (500 га яқин топилма) (13-расм) ва бошқалар ажралиб туради. Топилган буюмларнинг сони нисбатан кам бўлган топилмажойлар ҳам мавжуд: 2-пункт (77 та топилма), 16-пункт (94 та топилма), Аши-кўл (138 та топилма), Мадёр 11 (170 га яқин топилма) (14-расм), Замбар 2 (96 та топилма), Тойпоқ 3 (47 та топилма) (15-расм), ҳамда Узкўл (16-расм) Гўртепа (17-расм).

Бу ердаги кам сонли ғор типидagi ёдгорликлардан Обишир 1, 2, 3, 4 ва 5 ҳамда Тош-Кўмир кабиларни айтиш мумкин. Шулардан Обишир 1 ва 5 ғорлари даставвал, Фарғона палеолит гуруҳи⁸, сўнгра ЎЗР ФА тарих ва археология институти томонидан⁹

¹ Ранов В.А. Памир и проблема заселения высокогорной Азии человеком каменного века // страны и народы Востока. № 16. 1975.-С.17-27; Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья \ ТХЭ. 13. 1981.-С.65 ; Исламов У.И. мезолитические памятники Ферганской долины // ИМКУ № 9. Ташкент. 1972а.-С. с. 27.

² Виноградов А.В. Охотники и рыболовы среднеазиатского междуречья. М. 1981.-С. 59-62; Там же.-С. 62; Заднепровский Ю.А. Неолит Центральной Ферганы // КСИА. 132. 1966.-С. 42; Коробкова Г.Ф. Оудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии (по данным функционального анализа) // Автореф. Дисс. Канд. Истор. Наук. 1966.-С. 24; Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии // МИА. М. 158. 1969.-С. 127-142; Исламов У.И. Мезолитические памятники Ферганской долины // ИМКУ. 9.1972б.-С. 12.

³ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1972.-С. 62;

⁴ Касимов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Ташкент. 1972.-С. 16;

⁵ Юнусалиев М.Б. Изучение каменного века в Киргизии // ИАН КиргССР. 4. 1967.-С. 23; Юнусалиев М.Б. В глубь тысячелетий по долинам Киргизстана. Фрунзе. 1970а.-С. ;135.

⁶ Юнусалиев М.Б. Памятники каменного века на территории Киргизии. Фрунзе. 1970б.-С. 4-59;

⁷ Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 7.

⁸ Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 9;

⁹ Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. Дисс. Докт. Исторических наук. Новосибирск. 1977.-С. 35;

кенг ва системали равишда ўрганилган. Тош-Кўмир ғорини ўрганиш эса М. Юнусалиев томонидан амалга оширилган. Бу ёдгорликлар Сох дарёси водийсида, Қатронтоғнинг жанубий этакларида ва Обиширсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Майдонига кўра бу ердаги энг йирик ғор бу Обишир 5 бўлиб, унинг эни 30 м, баландлиги 20 м ва чуқурлиги 9 м. Обишир 1 ғорининг ҳажми анча кичик, 12x14x12 м¹. Ҳар иккала ғорда ҳам маданий қатламлар кумлоқ тупроқ устида ётади. Аммо Обишир 5 ғори қатламларида кумоқ лой ҳам мавжуд. Обишир 1 битта, Обишир 5 эса 3 та маданий қатламдан иборат. Ўчоқ ва кул қолдиқлари бу ғорларда аниқланмаган. Маданий горизонтлар тош ва суяк қолдиқларига тўла. Шунингдек, бу ерлардан чиганок, суяк ва тошдан ишланган тақинчоқлар топилган. Ҳар бешала ғорларнинг тош индустрияси типологик услуб билан тадқиқ қилинган². Тош-Кўмир ғори Қорасув дарёсининг чап қирғоғида, Узун Ахмад тизмасининг оҳактош қояларида жойлашган. Унинг узунлиги 14,5 м, эни 6,5 м ва баландлиги 6 м. Маданий қатлами ғовак тупроқли галкали ва ҳайвон суякларига эга қатламнинг устида ётади. Бу ердан 50 та кремнийдан ишланган тош буюм қазиб олинган бўлиб, улар Обиширдагига ўхшаш³.

Топилмажойларнинг йиғма материалларини техник ва морфологик тадқиқ қилиш асосида Г.Ф. Коробкова алоҳида ўзига хос мезолит комплексини ажратади⁴. Кейинчалик Кейинчалик Обишир 1-5 ва Тош-Кўмир ғорларининг очилиши билан Фарғонада шартли равишда обишир маданияти деб ном олган иккинчи ғор комплекслари ҳукм сурганлиги ҳақидаги масала кун тартибига қўйилди⁵. Аммо, материалларнинг тўлиқ нашр этилмаганлиги туфайли Обишир ва Фарғона мезолити алоҳида маданиятми ёки бир маданиятнинг икки босқичими, деган масалага ойдинлик киритиш қийин. Ўша даврда Фарғона мезолит маданияти

Обишир маданиятининг кейинги босқичи, деган фикр илгари сурилган эди.

Фарғона ҳамда Обишир ғорлари материалларини чуқур илмий таҳлил қилиш натижасида Ў.И. Исломов бу масалани тўғри ечимини топишга эришади. Унинг томонидан Обишир мезолит маданияти ажратилиб, бу ердаги барча текислик ва ғор манзилгоҳлари ушбу маданият атрофига бирлаштирилади. Шунингдек, Ў.И. Исломов, Марказий Фарғона материалларини Обишир маданиятининг сўнги босқичи, деб ҳисоблайди⁶. У ёки бу тадқиқотчилар томонидан илгари сурилган ғояларнинг қанчалик тўғрилигини обишир ва фарғона комплексларининг тўлиқ техник-типологияси ишлаб чиқилиб, ўзаро таққослангандан сўнгина аниқлаш мумкин.

Фарғонадаги ғор ёдгорликларининг индустрияси микролитоид типидagi пластиналар чақмоқлаш билан галкадан ишланган буюмларнинг (2 %) **(18-расм)** бирга келиши билан ажралиб туради. Қуруллар яшаш учун асосий тановор сифатида ўрта ҳажмли пластиналардан (48,5 %) **(19-расм)**, микропластинкалардан (42,5 %) **(20-расм)** ва қисман учириндилардан (6 % дан кўпроқ) **(21-расм)** фойдаланилган. Тошларга

¹ Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии // КСИА 122. 1970.-С. 24-25;

² Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. Дисс. Докт. Исторических наук. Новосибирск. 1977.-С. 35;

³ Коробкова Г.Ф. Культуры Средней Азии эпохи мезолита и неолита // Проблемы археологии Средней Азии // Тезисы и сообщ. К совещанию по археологии Средней Азии. (1-7 апреля, 1968 г.). 1968.-С. 16 .

⁴ Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии // КСИА 122. 1970.-С. 24-25; Коробкова Г.Ф. Культуры и локальные варианты мезолита и неолита Средней Азии (по материалам каменной индустрии) // СА. 3. 1975.-С. 23-24; Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности // КСИА. 149. 1977.-С. 112;

⁵ Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 27. Там же.-С. 112;

⁶ Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. Дисс. Докт. Исторических наук. Новосибирск. 1977.-С. 34.

иккиламчи ишлов беришда бир томонлама ва баъзан қарама-қарши томондан амалга оширилган ўтмаслаштирувчи ретуш кўпчиликни ташкил қилади. Тош қуроли орасида турли типлардаги қирғиччалар, кесгичлар, стержен шаклидаги тиғлар, қия дўғали узунчоқ сегментлар, учбурчак шаклли ассиметрик пойнаклар, чопперлар, чоппинглар, силликланган буюмлар, суяк бигизлар, игналар, пардозлагичлар ва ит тишларидан қилинган шокилалар учрайди¹.

Тош-Кўмир ғорининг материаллари Обишир 1-5 ёдгорликларианикига жуда ўхшаш. Шунинг учун, Тош-Кўмирни Обишир маданиятига хослиги ҳеч шубҳасиздир. Бироқ, Тош-Кўмир индустрияси архаик белгиларга эга. Масалан, бу ерда пластиналарнинг нотекис шакллари учрайди. Микропластинкалар йўқ. Сегментлари жуда катта бўлиб, Обиширникидан икки барабар йирик, ретушлари кўпол ва катта. Қирғичлари фақат қалин шаклларга эга. Техник морфологик жиҳатдан Тош-Кўмир индустрияси Тутковул ёдгорлигининг (Тожикистон) 2а қатлами материалларига ўхшаш ва даврий жиҳатдан тош қуроллар яшашда геометризация жараёни бошланиши арафасида турган ёдгорликлар билан тенгдошдир (Дам-Дам- Чашма 2 нинг 7 қатлами ва Дам-Дам-Чашма 1 нинг 4 қатламлари). Келтирилган параллеллар Тош-Кўмирни Обишир 1-5 ёдгорликларидан қадимийроқ эканлигини кўрсатади².

Энди фарғона текислик ёдгорликлари характеристикасига келсак, бу гуруҳ манзилгоҳлари таркибида кам миқдорда йирик пластина ва учириндилари бор, бироқ, асосан микролит техникаси билан характерланади. Тўпламда етакчи тип микропластинкалардир (60 %). Иккиламчи ишлов беришда асосан ўткирлаштирувчи ретуш бериш қўлланилган. Қуроллари орасида турли хил қирғиччалар кўпчиликни ташкил қилади. Шунингдек, айрим учлари йўнилган учириндилар, шателперрон ва граветти типдаги тиғлар, сегментлар ва митти трапециялар, ретушланган йирик пластиналар, қаламсимон ва призматик нуклеуслар ва мраморлашган оҳактошдан ишланган юмалоқ шокилалар мавжуд. Галкали буюмлар учрамайди³.

Шундай қилиб, Фарғонадаги ғор ва текислик ёдгорликлари бир бирига жуда ўхшаш бўлиб, уларнинг ягона маданиятга хослиги шубҳасиздир. Улар орасидаги тафовутлар катта эмас ва бу аввало бу фарқ, хом ашё, айрим типлар нисбатлари ва ҳажмларида сезилади. Бироқ бу тафовутлар уларнинг даврий жиҳатдан турлича эканлигини кўрсатади. Обишир 1-5, Тош-Кўмир ва Фарғона текислик ёдгорликлари ягона маданиятнинг турли босқичларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун уларнинг даврлаштиришининг илк босқичини ва Фарғона текислик ёдгорликлари сўнги масалаларини ҳам кўриб чиқиш имкони туғилди. Ў.И. Исломовнинг фикрича, бу ердаги ғор манзилгоҳлари Обишир мезолит даври мадания-даврларини ифодалайди⁴. Г.Ф. Коробкованинг фикрича, бу ердаги ёдгорликлар мезолит даврининг учта босқичига ажратилиши мумкин. Биринчи қадимги боқичга индустрияси нисбатан анчайин архаик бўлган Тош-Кўмир ғори материалларини, иккинчи босқичга Обишир 1-5 индустриясини ва қадимийлик белгиларига эга айрим текисликдаги ёдгорликларни (2 пункт, Мадёр), Аши-Кўл, Янги-Қадам 21, Замбар 2 ва бошқаларни киритиш мумкин. Учинчи босқичга эса фарғона текислик ёдгорликларини (3, 5, 16 пунктлари, Сарик-Суви, Бахробод ва бошқаларни) киритиш мумкин. Биринчи (илк) босқич микролитоид элементларсиз пластиналар чақмоқлаш техникаси билан характерланади.

¹ Исломов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 108.

² Исломов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1972.-С. 108.

³ Исломов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 34.

⁴ Исломов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 34.

Шунингдек, йирик ва кўпол ретушлаш, айрим йирик қия дўғали сегментлар, шателперрон типдаги тиғлар, макропластиналар ва учириндилар учларида ишланган қирғиччалар, ретушланган йирик ва нотекис пластиналар ҳамда галкали қуроллари борлиги билан характерланади.

Иккинчи (ўрта) босқич пластинка ва галкали чакмоқлаш техникасининг уйғунлашганлиги билан характерланади. Энди буюмларнинг 30-40 % микропластинкаларни ташкил қилади. Йирик пластиналар учларида кўпол қирғиччалар яшаш йўқолади ва улар учириндилардан ишлана бошлайди, жумладан, микроқирғиччалар сони ошиб боради. Ассиметрик трапеция ва сегментлар чўзилган ва юпқа дўғали ва кичик ҳажмда ишлаб чиқиладиган бошланади. Бифасиал ишланган пойноклар, стержен типдаги тиғлар, кесгичлар, учлари юпқалаштирилган учиринди ва нуклеуслар, чопперлар, чоппинглар ва қирғичлар иккинчи босқич индустриясини характерли элементлари ҳисобланади. Энсиз миҳсимонга яқин нуклеуслар бу босқич учун типик ҳисобланади. Учинчи (сўнги) босқич микропластинкалар чакмоқлашнинг кўплиги (60 % дан зиёд) билан ажралиб туради. Иккиламчи ишлов беришда ўткирлаштирувчи микроретушдан кўпроқ фойдаланилган. Қирғиччаларнинг турлари ва шу жумладан микро қирғиччалар сони кўпаяди. Айрим нотўғри йирик ва ретушланган пластиналар, шателперрон ва гравет типдаги тиғлар учрайди. Қаламсимон ва цилиндр шаклидаги нуклеуслар ривожланади. Мраморсимон оҳактошдан ишланган юмалоқ шаклдаги шокилалар пайдо бўлади.

Г.Ф. Коробкованинг фикрига кўра, Фарғона материаллари (Обишир маданиятининг сўнги босқичи) индустрияси ўхшаш ва микролит чакмоқлаш техникаси ҳукмрон бўлган Дарра Калон (Афғонистон) билан таққосланиши мумкин¹. Унинг радиоуглерод санаси эр. ав. 7525±100 йилларни ташкил қилади. Бундай таққослаш натижасида Обишир маданиятининг сўнги босқичини эр. ав. VII минг йилликлар билан саналаш мумкин. Ў.И. Исломовнинг тадқиқотларига кўра² Обишир 1-5 ғор комплексларини ўрта мезолит даври билан саналаш лозим ва рақамларда бу эр. ав. IX-VIII минг йилликларга тўғри келади. Бунда муаллиф эр. ав. 7580±130 йиллар билан саналанган Ошхона ва Туткавулнинг 2а мезолит даври қатламлари материаллари билан таққослашга асосланади³. Фикримизча, Обишир 1-5 ёдгорликларининг қуйи санаси ўта қадимийлаштириб юборилган. Туткавул 2а қатламининг материаллари нисбатан анча қадимий элементларга эга: кўплаб йирик узунчоқ сегментлар, шателперрон типдаги тиғлар, нуклеуссимон қирғиччалар, учлари юпқалаштирилган учириндилар, галкали қуроллар шулар жумласидандир. Обиширга таққослаганда Туткавул қадимгироқ кўринишга эга⁴. Даврий босқич жиҳатидан Обишир маданиятининг иккинчи босқичи Ошхона материаллари билан таққосланиши мумкин ва ривожланган мезолит даврига (эр. ав. VIII минг йилликлар) тўғри келади.

Энг қийини фарғона мезолитининг илк босқичларига оид ёдгорликларини саналаш масаласидир. Унинг материаллари Туткавулнинг 2а қатлами ва Тожикистон тоғларидаги бошқа синхрон ёдгорликлар билан таққосланиши мумкин. Афсуски, уларнинг абсолют санаси йўқ. Фарғонанинг илк мезолит даври материалларини саналаш учун тахминан Туткавулнинг 2 горизонти тепаси учун олинган саналар (эр. ав. 6070-

¹ Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите неолите Средней Азии // КСИА. 122. 1970.-С. 25.

² Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 23-24;

³ Ранов В.А., Коробкова Г.Ф. Туткавул – многослойное поселение гисарской культуры // СА. 2. 1971.-С. 77;

⁴ Коробкова Г.Ф. Традиции и инновации в культурах мезолита и неолита Бактрии // Древнейшие культуры Бактрии. Тезисы сов-французского симпозиума. Душанбе. 1982.-С. 162.

6310 минг йиллар) хизмат қилиши мумкин¹. Негаки, Тутковулнинг иккинчи горизонти ўзидан юқоридаги эр. ав. IX-VIII минг йилликлар билан саналанган қатламлар билан бевосита кетма-кетликда ётади. Тош-Кўмирнинг материаллари Тутковулнинг 2 қатлами индустрияси билан таққосланганда қўпол ва архаик кўринишга эга: дўғаси бўйлаб кенг, қия ва карама қарши ретушланган ўта йирик сегментлар ва шунга ўхшаш шателперрон типдаги тиглар шулар жумласидандир. Бу ҳолатлар Тош-Кўмир индустриясини обишир маданиятининг ва шунинг билан бирга мезолит даврининг илк босқичларига, эр. ав. IX минг йилликлар билан саналашга имкон беради. Шундай қилиб, обишир маданияти мезолит даврининг эр. ав. IX-VII минг йилликлар билан чегараланган хронологик доирасига киради.

Обишир маданиятининг генезиси масаласини аниқлаш қийин. Ҳозирда фақат шуни айтиш мумкинки, бу маданиятнинг, айниқса унинг илк босқичлари индустрияси Самарқанд сўнги палеолит макони ва Хўжа-Ғор материаллари билан параллелларга эга².

Обишир 1-5 ёдгорликларидан олинган фаунистик қолдиқларга, палеогеографик ва функционал далилларга кўра бу маданият вакиллари овчилар ва теримчилар бўлишган. Ов объектлари сифатида сибир эчкиси, архар, жайрон, тўнғиз, буғи ва бўри каби ҳайвонларга ов қилишган. Асосий ов қуроли ўқ-ёй бўлиб, уларнинг айрим ўқлари Обишир ва Фарғона ёдгорликларидан топилган. Овчиликнинг асосий тармоқ бўлганлигини овчилик билан боғлиқ тош қуроллар ҳам тасдиқлайди. Маданиятнинг уй ҳўжалигида терига ишлов бериш ва ундан буюмлар ясаш муҳим ўрин тутган. Теримчилик ҳақида 2 пунктдан (Мадёр) топилган ва ўсимликларни ва ёввойи дуккаклиларни ўриш учун ишлатилган келисоплар ҳамда айрим ўроқлар далиллик беради³. Умуман Обишир маданияти вакиллари тоғолди ва чўлларда дарбадар овчилик қилганлар.

Меҳнат қуролларининг ва умуман, индустрияларнинг миқдорий кўрсаткичлари бу ерда узоқ муддатли ёки асосий лагерлар (Обишир 5, Сарик-Сув ва бошқалар), қисқа муддатли ва мавсумий қароргоҳлар (3 пункт, Иттак-Қалъа 1 ва бошқалар) ва маҳаллий қабилалар томонидан ташлаб кетилган овчилик маҳсулотларини тақсимлаш пунктлари (Аши- Кўл, Мадёр 11, 2 ва 16 пунктлар, Тойпоқ 3 қабилар) сингари типлардаги ёдгорликлар мавжуд бўлган дейиш мумкин.

Обишир маданияти ўзининг мезолит давридаги аجدодлари анъаналарини давом эттирган Марказий Фарғона неолитининг шаклланишида ва тараққий қилишида муҳим рол ўйнаган⁴.

Мезолит даврининг иқтисодиёти асосан ўқ-ёйнинг пайдо бўлиши ҳамда, эҳтимол, айрим ҳайвонларнинг хонакилаштиришидан ажралиб туради. Бу даврда тош қуроллар ясаш ўзининг кулминацион тараққиёт даражасига кўтарилади. Микролитизм тараққий топади. Ёдгорликлардан топилган тош ва суяк тақинчоклар бу даврда эстетик маданиятнинг юқори даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

¹Марков Ю.Н., Образцов В.А. Датирование древних памятников Туркмении и соседних областей методом радиоуглеродного анализа ИАН ТССР. Сер. Оюш. Наук. Вып. 6. 1981.-С. 75.

²Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите неолите Средней Азии// КСИА. 122. 1970.-С. 24-25 ; Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 137-140;

³ Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии // МИА. М. 158. 1969.- С. 127-142; Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности // КСИА. 149. 1977.-С. 112;

⁴ Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии // МИА. М. 158. 1969.- С. 127-142; Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1972.-С. 12; Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. Дисс. Докт. Исторических наук. Новосибирск. 1977.-С. 32;

3. 2 ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЯНГИ ТОШ ДАВРИ.

Марказий Фарғона неолити. Марказий Фарғонадаги бу даврга оид дастлабки топилмалар 1958 йили Б.З. Гамбург ва Н.Г. Горбуновалар томонидан куриган Дамкўл ва Марказий Фарғонанинг шимолий қисмлари ҳудудларидан топилган¹. Улар томонидан аниқланган материаллар В.М. Массон ҳамда В.А. Рановларнинг асарларида ўз аксини топган. 1963 ва 1964 йилларда Марказий Фарғонада қидирув ишлари Ю.А. Заднепровский томонидан амалга оширилган. Натижада Қорақалпоқ даштидан микролитойд кўринишга эга 21 та топилмажой аниқланди. Топилмалар Марказий Фарғонанинг жанубий, шарқий ва шимолий қисмларидан ҳам топилган². Ю.А. Заднепровский томонидан Марказий Фарғонадан аниқланган неолит даврига оид материаллар кейинги қатор йиллар мобайнида Г.Ф. Коробкова томонидан илмий жиҳатдан тўлиқ ва синчиклаб ўрганилган³. 1965 йили Ў.И. Исломов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси археология институти экспедицияси томонидан 23 та топилмажой аниқланган⁴. Кейинчалик. Марказий Фарғонада, Фарғона ва Россия археологик экспедициялари тадқиқот ишлари олиб борди. Бу изланишлар 1967, 1969, 1970 йилларда олиб борилди⁵. Барча тадқиқотлар умумийлашган ҳолда Ў.И. Исломов ва В.И. Тимофеевларнинг қатор мақолалари ва монографиясида ўз аксини топган⁶. Натижада, бу ердан 120 дан зиёд маконлар топиб ўрганилган. Марказий Фарғонанинг неолит даврига оид топилмажойлари қаторига Замбар 1-3 пунктлари, Янгиқадам 1-28, Дорозкўл, Тойпоқ 1-15, Узункўл 1-5, Янгисув, Гўртепа, Сигирчилик, Мадёр 1 15, Дамкўл топилмажойлари ва бошқаларни киритиш мумкин⁷. Адабиётларда ҳисор маданиятининг тарқалиши нафақат Ғарбий Тожикистон, балки Олой водийси ва Тён-Шон ҳудудларига ҳам тарқалган-лиги таъкидланган⁸. Шубҳасиз бундай материаллар Фарғона водийсидан ҳам топилган⁹. Шунинг билан бирга Фарғонанинг ўзида бошқаларга ўхшамайдиган кременли индустриялар аниқланган. Марказий Фарғонадаги Қорақалпоқ чўли кадимда чўл ландшафтига эга бўлган ва маконлар қўллар бўйларида жойлашган. Марказий Фарғона неолити индустрияси кескин микролитойд кўринишга эга бўлиб, бу жиҳатдан у Ўрта Осиёдаги барча неолит ёдгорликларидан устун туради. Ҳатто уларнинг конуссимон ва қаламсимон нуклеуслари ўта миттилиги билан ажралиб туради. Кўплаб тош буюмлар орасида кўпинча бир қирраси вентрал томонидан берилган бир тарафли ретушланган микропластиналар учрайди. Бироқ материалларнинг табиий таъсирлар натижасида емирилиб кетганлиги уларнинг функционал хослигини

¹ Виноградов А.В. К вопросу о южных связях кельтеминарской культуры. СЭ, № 1. 1957а.-С. 35.

² Заднепровский Ю.А. Неолит Центральной Ферганы. КСИА, вып. 1966.-С. 11.

³ Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии. МИА, № 158. Л.: 1969.-С. 33. Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии. КСИА, вкп. 127. М.: 1970.-С. 21.

⁴ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1986.-С. 66.

⁵ Горбунова Н.Г., Оболдуева Т.Г. Работы в зоне строительства Центрального Ферганского канала. АО, 1967 г. М.: 1968.-С. ;18. Горбунова Н.Г., Кулик Т.И., Оболдуева Т.Г., Тимофеев В.И. Работы

⁶ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Стоянки каменного века южной части Центральной Ферганы. ИМКУ, вып. 13. Ташкент. 1977.-С. 145; Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1986.-С. 70; Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 77;

⁷ Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1986.-С.66-118;

⁸ Ранов В.А. Находки каменного века в Алайской долине. ТИИ АН Кирг. ССР. Вып. 4. 1958б.-С. 23; Окладников А.П. Работы Киргизской комплексной археолого-этнографической экспедиции в 1953 г. (Первый год работы Киргизской комплексной экспедиции). СЭ, № 2. 1954б.-С. 11-25.

⁹ Конопля П.Т. Следы людей каменного века на территории Южной Киргизии. ИА АН КиргССР. Серия общ. Наук, т. 1. Вып. 1. 1959.-С. 11;

аниқлаш имконини бермайди. Бундан ташқари, бу ерда кертилган пластиналар, турли хил қирғиччалар, тешгичлар ва айрим баргсимон пойноклар ҳам мавжуд. Бирок марказий фарғона ёдгорликларининг биронтасида сопол буюмлар топилмаган.

Фарғона материалларининг ҳаддан ташқари ўзига хослиги ва ўта миттилиги уларни бошқа неолит комплекслари билан таққослаш имконини бермайди. Фақат айрим микролитларгина калтаминор материалларига ўхшаб кетади. Эҳтимол, хронологик жиҳатдан ҳам улар бир-бирига яқин бўлиши мумкин. Шунини айтиш мумкин. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам дашт ва чўл ҳайвонларини ва ўша пайтларда сони ҳамда суви кўпроқ кўлларда балиқ овловчилардир.

Марказий Фарғона неолити даври ёдгорликларида ёрқин ифодаланган микролитизм ва унинг маҳаллий Обишир маданиятидан ўсиб чиққанлигининг кузатилиши бу ердаги ёдгорликларни мезолитдан янги тош асрига ўтиш ёки илк неолит даври билан саналаш имконинини беради. Анча кейинги даврларга Шимолий Фарғонадаги айрим ёдгорликларгина хос бўлиши мумкин ва улар йирик пластиналар, неолитга тўла хос бўлган тош рандалари ва бошқа буюмлари билан ажралиб туради (Мадёр 3, 4 ва бошқалар). Айтиш жоизки сўнги бундай даврларга оид ёдгорликлар Марказий Фарғона маданиятида жуда кам. Афтидан, Обишир ва Марказий Фарғона маданиятлари этносларининг кейинги тараққиёти Марказий Фарғонадан ташқарида содир бўлган.

Шундай қилиб, голоцен даврида Марказий Фарғона ҳудудлари мезолитнинг иккинчи ярмида, жануби ғарбдан Сох водийси бўйлаб кириб борган обишир маданияти вакиллари томонидан эгалланган. Кўпроқ Марказий Фарғонанинг жануби ғарбий қисмида жойлашган 30 дан зиёд Обишир маданияти ёдгорликлари аниқланган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Марказий Фарғона маданияти ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳолат тош индустриясида намоён бўлган кўринади. Марказий Фарғона неолит жамоалари маконлари тош индустрияси пластина ва микропластина индустрия ҳисобланади. Бу жамоалар неолит даври тараққиёти бошланғич босқичларида учириндилардан ясалган қуроллар салмоғи юқори бўлган бўлса, кейинги тараққиёт босқичларида эса тош қуролларининг аксарияти парақалардан ясалган. Пластиналар қуролларнинг 80-90% микропластиналардан ясалаган қуроллар ташкил этади. Микропластиналардан ясалган бу турдаги қуролларнинг бундай юқори кўрсаткич салмоғи, Ўрта Осиёда татқиқ этилган биронта неолит жамоаларида кузатилмаган. Марказий Фарғона тош индустриясининг яна бир хусусияти шундаки, тош буюмлари ичида қайта ишлов берилган тош қуроллар кўпчиликти ташкил этади, ишлаб чиқариш чиқиндилари эса камроқ. Учириндилардан ясалган тош буюмлар тош ашёларнинг умумий сонининг 15-30 % ташкил этади. Шу сабабли Марказий Фарғона жамоалари маконларида учириндилар ажратиб олган тош ўзакларига нисбатан кузатилади. Аксинча Обишир маданиятига тегишли маконлардан бу турдаги нуклеуслар кўплаб топилган.

Шунинг учун ҳам бу хусусиятлар Марказий Фарғона маданияти алоҳида, мусақил маданият сифатида ажратилишига асос бўлди. Тош учириндиларидан ясалган қуроллар ҳам қизиқарли бўлиб, асосан турли шакл шамойилга эга бўлган қирғичлар, тешкич ва қискич қуроллари кўплаб тақдим қилинган. Понасимон қуроллар ҳам туркум ҳолда мавжуд. Ён олд томонига ишлов берилган тош ўзаклари, тик, баланд иш майдонига эга бўлган қирғичлар, шунингдек кам микдорда бўлсада, қайроқтош қуроллари борлиги ҳам маданиятнинг ўзига хос хусусиятини белгилашда муҳим омилдир. Марказий Фарғона жамоалари маданиятига геометрик шаклдаги микролитлар хос эмас. Фақатгина, жуда

кам сонли сегмент ва трапеция кўринишидаги микролит куроллар учратилади, холос. Юқорида зикр этилган учириндилардан ясалган куроллар ўз шакли ва ишлови берилиш услублари ҳамда турмушда қўлланиладиган функцияси бўйича Ўрта Осиё тоғ минтақаси мезолит-неолит жамоалари модий маданиятига хосдир.

Марказий Фарғона жамоаларига тегишли маконлар татқиқоти жараёнида сопол буюмлар парчалари деярли топилмаган. Бироқ зеб-зийнатлар, тақинчоқ безаклар қўплаб учрайди. Бу тақинчоқларнинг аксарияти кичик, юпка қайроқтошлардан ясалган. Қўпчилигининг уч қисмида тақиб юриш учун пармалаш ўйли билан ҳосил қилинган тешикчалари ҳам бор. Улар ясашиши ишлатилган материали, шакли, ишлов берилиш услуби билан Қуйи Зарафшон воҳаси, Қизилқум ички ҳудудларига Калтаминор ҳамда Ўрта Зарафшон воҳасидаги Сазагон жамоалари тақинчоқларига жуда ўхшаш¹.

Марказий Фарғона неолит жамоалари модий маданият татқиқотида ишлаб чиқариш хўжалигига таалуқли бўлган тош куроллари учратилмаган. Шунингдек, маконлар чегаралари майдон сатҳи ҳам юқорида тақидлаганимиздек, майда бўлганлиги ҳолати бу ерда қисқа муддатли манзилгоҳлар бўлганидан бу жамоалар ҳамон термачилик, овчилик, яъни ўзлаштирма хўжалик билан шуғулланганлар деган хулосани билдириш мумкин.

Марказий Фарғона неолит жамоалари модий маданиятнинг татқиқотида мазкур жамоалар ўзларига хронологик жиҳатдан тенгдош бўлган қўшни жамоалар билан ўзаро маданий алоқларда бўлганликлари борасида маълумот берувчи манбалар қўлга киритилган. Ибтидоий жамоаларнинг ўзаро қўни-қўшничилик маданий алоқада бўлганликлари Масалани ўрганиш энг долзарб масала бўлиб соҳа мутахассисларининг дойимий диққат марказида бўлган. Маълумки, неолит жамоалари ҳам маълум бир минтақа, табиий шароит, ландшафт билан чегараланиб яшаб қолмасдан, қўшни жамоалар билан яқиндан маданий алоқада бўлишган, бир-бирларининг модий маданияти, у ёки бу жиҳатларини ўзлаштирган. Бу маданий алоқалар аввало уларнинг тош куроллари, сопол идишлари, тақинчоқ, зеб-зийнатлар ва турар жойларида намоён этилган. Хусусан, Юқорида Ўрта Зарафшон воҳаси Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағрида яшаган Сазагон неолит жамоалари модий маданияти татқиқотида муҳим манбалар қўлга киритилганлиги борасида фикр юритилган эди.

Аниқроғи Сазагон жамоалари тош индустриясида Ўрта Осиё тош минтақаси неолит жамоалари модий маданиятига куроллар мавжуд ҳамда пластина қисми микропластина салмоғи жиҳатдан Марказий Фарғона жамоалари маданиятига яқин, Марказий Фарғона неолит жамоалари маданиятига яқин Марказий Фарғона неолит жамоалари модий-маданияти асосий татқиқотчиси Ўткир Исломов ўз изланишларида мазкур жамоаларнинг қўшни Тожикистон ҳудудида Ҳисор неолит жамоалари, Ўрта Зарафшон воҳаси Сазагон жамоалари маданиятлари билан баъзи жиҳатлари усусида маданий ўхшашликлари борлиги ҳақида далиллар келтирган². Таъкидлаш жоизки, ўз вақтида татқиқотчилар томонидан Маказий Фарғона ва Сазагон маданияти Ўрта Осиё тоғ минтақаси умум неолит маданиятлари таркибига кирувчи, лекин иккаласи ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил маданиятлар деб эълон қилинган эди. Ўрни келганда айтиш жоизки, бу иккала маданиятнинг бир-биридан жўғрофий жойланиши

¹ Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья. ТХЭ. 13.1981.-С.15-17;

² Исламов У.И., Темофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент.Фан.1986.-С.106-107;

жиҳитдан, оралиқ масофа нуктаи назаридан узоқ масофада жойлашганига қарамай, уларнинг ўзаро моддий маданият ўхшашликларига қарамай, уларнинг ўзаро моддий маданияти ўхшашликларига ёрдам берган яна бир хусусият борлигини келтириш мумкин. Бу уларнинг бир томондан тоғ минтақаси, иккинчи томондан пасттекисликлар минтақаси ўртасидаги орлиқ минтақада (тоғ ёнбағирлари) жойлашганлиги ва ўзига хос бир хил экологик шароитга эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Марказий Фарғона неолит жамоалари моддий маданияти келиб чиқиши илдизлари маҳаллий маданиятлар негизда, яъни Обишир мезолит жамоалари маданияти бағрида шаклланганлиги татқиқотларда аниқланган. Бироқ мазкур маданият тараққиёти сўнгги босиқичлари жамоалари моддий маданиятига оид маконлар деярли топиб ўрганилмаган.

Юқорида зикр этилган татқиқотлар натижасида Фарғона водийсида ҳам неолит даврида тош даври жамоаларининг узлуксиз маданияти бўлганлиги ва бу маданият ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди.

Хуллас, Устюрт неолит жамоалари, ўрта Зарафшон Қоратепа тоғ массиви шимолий ён бағри сазагон жамоалари ҳамда Фарғона воҳаси Марказий Фарғона жамоалари маданияти саҳифаларини билиб олишисмизда муҳим ўрин тутади.

3. 3. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЎРТА ВА ЯНГИ ТОШ ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.

Мезолит даврининг иқтисодиёти асосан ўқ-ёйнинг пайдо бўлиши ҳамда, эҳтимол, айрим ҳайвонларнинг хонакилаштиришидан ажралиб туради. Бу даврда тош қуроллар яшаш ўзининг кулминацион тараққиёт даражасига кўтарилади. Микролитизм тараққий топади. Ёдгорликлардан топилган тош ва суяк тақинчоқлар бу даврда эстетик маданиятнинг юқори даражада ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

Неолит даврига келиб, барча жойларда бўлгани каби буюк кашфиётлар қилинади ва тош асри маданиятлари гуллаб яшнайдди. Бу даврда чайла типидиги уйлар, каркас типига эга ярим ертўлали турар жойлар эгаллайдики, бу ўша давр учун мураккаб конструкцияли меъморий қуриш санатининг пайдо бўлиши эди (Қават 7 уйи). Айрим жойлардагина чайла типигаги уйлар сақланиб қолди (Дарвозақир уйи). Хўжаликда ўта муҳим, инсон организми учун зарур протеинлар берувчи балиқчилик ривож топди. Кейинги маълумотларга кўра чорвачилик пайдо бўлди. Яна бир энг муҳим янгилик неолит давридан бошлаб ҳозиргача сақланиб келаётган сопол буюмлар ишлаб чиқариш кашф қилинади. Бу буюмларга бадий нақшлар бериш, уларнинг симметрик тарзда ишланиши ва ёдгорликлардан топилган кўплаб тақинчоқлар, табиий бўёқлар бу даврда эстетик ва тасвирий санъатнинг юқори даража бўлганлигидан далолат беради. Тош асрида санъатнинг мавжудлиги ҳақида ўрта палеолит давридан маълумотлар учрайди. Масалан, Европа неандерталларида қоя тошларга расмлар чизиш ва ҳайвон суяқларидан мусиқа асбоблари яшаш каби намуналари аниқланган¹. Шу даврдан бошлаб ибтидоий одамлар табиий бўёқ – охрадан фойдаланиб баданларини бўяй бошлаганлар. Аввалги совуқдан сақланиш учун ушбу бўёқларга ҳайвон ёғларини аралаштириб баданларига сурган одамлар, сўнгги палеолит даврига келиб бу ишни эстетик мақсадларда амалга

¹ Lumley H (de) Origine et Evaluation de I Paris 2001.p.1-230

ошира бошлаганлар. Ўрта ва янги тош асрларидан бошлаб тошдан ва суякдан ясалган тақинчоқлар кенг тарқалаган. Фақатгина, Европада ўрта палеолит давридан учрайдиган қоя тош суратлар юртимизда мезолит давридан бошлаб учрайди.

Ўзбекистонни кишилик маданияти тараққиётининг қадимий ўчоқларидан бири эканлигини бу ердан топилган қоя тош расмлари ҳам исботлайди. Ушбу суратлар тоғ тошларга ишланган одам, ҳайвонлар, қурол-яроғ, уй-рўзғор, кийим ва бошқа буюмларнинг тасвирларидан иборат бўлиб, улар ўткир нарса ёрдамида ўйиб-чўкичаб табиий бўёқлар ёрдамида чизиб ишланган.

Юртимиздан топилган 100 га яқин қоя тош суратлари орасида энг қадимгилари Сармишсой ва Зараутсой расмларидир. Ўз бағрида қадимий суратларини сақлаб келаётган Сармишсой Зарафшон дарёси ўрта окимининг ўнг томонидан ястаниб ётган, унча баланд бўлмаган Қоратоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган бўлиб, Навоий шаҳридан 40-45 км шимоли-шарқдадир. Сармишсой суратлари ҳақида қисқача маълумот 1958 йил Қизил Ўзбекистон газетасида эълон қилиниб, бу хабар ЎзР тарих археология институти илмий ходими Х. Мухаммедов томонидан ёзилган.

Кейинги йилларда академик Я.Ғ. Ғуломов раҳбарлигидаги Мохондарё экспедицияси аъзолари А.Р. Мухаммаджонов, М.Р. Қосимов, Ў.И.Исломов, Н.Х.Тошкенбоев ва бошқалар Сармишсой ҳамда Қоронғу-Унгурсойда бўлишиб, кузатишлар олиб бордилар. Натижада 1964 йили Н.Х.Тошкенбоевнинг бу ҳақда мақола эълон қилган¹.1966-1967 йилларда бу ерга Ж.Кабилов ташриф буюради ва 2000 га яқин қоя тош суратларни аниқлайди. Сармишсой суратлари мазмунан ҳамда ифода этилган манзаралари жиҳатидан хилма-хилдир. Бу ерда жами 3500 тасвир аниқланган бўлиб, уларни 40 турга ажратиш мумкин. Бу суратлар ишланиши усулиги кўра схематик, контур тарзида, соя услубида, нақшдор безакли ҳамда контур-соя шаклидаги турларга ажралади.

Сармишсой суратлари турли даврларга оид бўлиб, уларнинг ёшини аниқлаш энг мушкул масала ҳисобланади. А.П. Окладников таъкидлаганидек, қоятош суратларининг ёшини аниқлаш жез қуролларини саналашдан мукамалроқдир.

Сармишсой суратлари тури, мазмуни, ишланиши техникаси, услуби, сақланиш, катта-кичиклиги жиҳатидан бир биридан тубдан фарқ қилади. Суратлар орасидаги ушбу фарқ тасодифий бўлмай, уларни турли даврларда ишлангани ҳақида далолат беради. Сармишсой суратлари ибтидоий, илк темир ва сўнгги даврларга ажратилади. Бу расмлар одам, ибтидоий буқа, сигир, бизон, тоғ эчкиси, асл буғу, мушуксимонларга оид йирқишлар (қоплон, леопард, гепард, шер, йўлбарс) ва йирик шоҳли хонаки қорамол, ит ва бошқа ҳайвонларнинг суратларидан иборат. Шу билан бирга, қоя тошларда содда ва мураккаб ёйнинг ҳамда номи номаълум нарсаларнинг суратлари учрайди.

Хулоса

Шундай қиклиб, Ўзбекистон ҳудудлари, жумладан Фарғона водийси бундан 1,5 млн йиллар муқаддам, илк палеолит даврининг бошлариданоқ инсониятнинг илк вакиллари томонидан забт этилган. (Селунгир). Селунгир ғоридан “фарғона одами”нинг

¹ Ташкенбоев Н.Х. Наскальные изображения Сармича и Караунгурсая. ИМКУ №3. “ФАН” Т.1966. с 34.

топилиши Марказий Осиё ҳудудлари учун ҳам камёб ҳодиса бўлиб, йирик аҳамиятга эгадир. Айнан ушбу топилмага асосланган ҳолда, биринчи марта юртимиз ҳудудлари бундан 1,5 млн йиллар муқаддам тарихи миллион йилликларни қамраб оладиган ибтидоий одамларнинг ҳомо еректус деб номланган вакиллари томонидан ўзлаштирилганлиги аниқланди. Ўзининг қадимийлиги жиҳатидан Селунгир одами Евроосиё материғида ҳам энг қадимий палеоантропологик топилмалардан бири ҳисобланади. Ушбу топилманинг Фарғона водийси ҳудудларидан топилиши, ушбу ўлкани энг қадимги тарихини ўрганишнинг янада истиқболли эканлигини кўрсатади. Бирок, Юртимиздаги илк палеолитга оид ундан кейинги ёдгорликларнинг ёши (Кўлбулоқ, Жарсой, Бўкантов ва ҳ.) 500 минг йилдан ошмайди. Демак, илк палеолитнинг бошлари билан ўрталари орасида жуда катта даврий бўшлиқ ҳосил бўлади. Эҳтимол кейинги татқиқотлар бунга ойдинлик киритиши мумкин.

Ўрта палеолт даври эса, Еврапада бўлгани каби 100 минг йиллар билан эмас, балки бундан 50 минг йиллар муқаддам юртимизга неандертал типдаги одамларнинг кириб келиши билан бошланган, дейишимиз мумкин. Негаки, кейинги йилларда амалга оширилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, инсониятнинг неандертал типи Фарбий Европа ҳудудларида пайдо бўлишиб, сўнгга бошқа ҳудудларга ҳам тарқалганлар. Аммо бундай тарқалиш учун 30-40 минг йиллар вақт талаб қилинган. Шунинг учун, Ўзбекистон ҳудудларидан топилган ҳамда топилаётган неандертал одамларининг ёки улар қолдирган ёдгорликларнинг ёши 50-60 минг йиллардан ошмайди. Шундан келиб чиқиб, замонавий билимлар тақозаси билан, бир вақтлар Европадан шоблон сифатида қабул қилинган ўрта палеолит даврининг хронологик чегарасини 100 минг йиллар эмас, балки 50-60 минг йиллар билан белгилаш вақти етиб келди, дейиш мумкин.

Сўнгги палеолит даврида Евроосиёда бундан 35 минг йиллар муқаддам бошланганлигига қарамасдан, юртимизга замонавий типдаги одамлар ҳозирги маълумотларга кўра бундан 25 минг йиллар бурун кириб келгани ва шунга мос равишда Ўзбекистонда сўнгги палеолит унинг ўрталаридан бошланган, дейиш мумкин. Лекин шуни айтиш мумкинки, сўнгги палеолитнинг охирларида яшаган ибтидоий қабилалар юртимиздаги кейинги мезолит даври тараққиётига ўсиб ўтадилар.

Мезолит даври ёдгорликлар ҳам ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Бу давр бошқа ҳудудларда эр. ав. 12 минг йилликдан бошланса, Ўзбекистондаги даврига оид энг қадмиги маконлар 11 минг йиллар билан белгиланган. Яна бир хусусияти шундан иборатки, Ўзбекистондаги барча неолит даври ёдгорликлари маконлари остида ёки ёнида уларнинг пайдо бўлишига олиб келган мезолит даври қатламлари ёки ёдгорликлари мавжуд. Масалан, Марказий Фарғона неолит маҳаллий Обишир мезолит маданияти, Сазағон маданияти ўша ердаги Сазағон 1 мезолит макони асосида шаклланган.

Ўрта тош даври, нисбатан қисқа вақт ҳукм сурган бўлишига қарамасдан инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутган тарихий босқич ҳисобланади. Бу даврга келиб, тошга ишлов бериш техникаси юқори даражада тараққий қилиб, микролит ҳамда геометрик қуроллар пайдо бўлади. Шу даврдан бошлаб инсоният тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим кашфиёт ҳисобланган ўқ-ёй ихтиро қилинган. Мезолит даврида маданий ҳаётда ҳам йирик кашфиётлар қилинади. Сурхондарё водийсининг Зарауткамар тоғларида ушбу даврга оид қоятош суръатларининг топилши ва уларнинг юқори даражада тараққий қилган эстетик руҳда ишланганлиги бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Янги тош даврига келиб инсоният тараққиётида янги ўзгаришлар бўлди. Хўжаликда муҳим аҳамиятга эга бўлган нарсасо, сопол идишлар ихтро қилинди. Одамлар эндиликда ғорлардан батамом чиқиб ўзлари учун чайла ва ярим ертўла типдаги турар-жойларни қуришди. Бу ўша давр учун мураккб конструкцияли меъморий қуриш санатининг пайдо бўлиши эди.

Марказий Фарғона неолит жамоалари моддий маданияти келиб чиқиши илдизлари маҳаллий маданиятлар негизида, яъни Обишир мезолит жамоалари маданияти бағрида шаклланганлиги татқиқотларда аниқланган. Бироқ мазкур маданият тараққиёти сўнгги босиқичлари жамоалари моддий маданиятига оид маконлар деярли топиб ўрганилмаган.

Юқорида зикр этилган татқиқотлар натижасида Фарғона водийсида ҳам неолит даврида тош даври жамоаларининг узлуксиз маданияти бўлганлиги ва бу маданият ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, сўнгги палеолит давридан бошлаб юртимизда шаклланган маданиятлар маҳаллий илдизларга эга бўлиб, қўшни худудларда яшаган жамоалар билан доимий маданий алоқада тарақий қилганлар.

ТОШ АСРИ АРХЕОЛОГИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

1	Архантроп	Қадимги одам
2	Азилская культура	Азил маданияти
3	Атипичный нож с обушком	Елкали атипик пичоқ
4	Аварийные сколы	Бузилган йўнилғилар
5	Аксидент типа Сире	Сире типдаги бузилган йўнилғи
6	Анкош	Ўйиб кертиб ишланган қурол
7	Атипичный округлый скребок на пластине	Пластинадан ишланган атипик юмалоқ қирғичча
8	Атипичная проколка	Атипик санчқи
9	Атипичный резец	Атипик кесгич
10	Азильский зубчатый гарпун	Азил типдаги тишсимон қиррали гарпун, балиқ овлаш учун найза
11	Бифас рубило	Икки тарафлама ишланган қурол, чўқмор
12	Бифас сердцевидной формы	Юраксимон шаклли бифас
13	Бифас миндалевидной формы	Бодомсимон шаклли бифас
14	Бифас округлой формы	Юмалоқ шаклли бифас
15	Бифас с частичной обработкой	Қисман ишлов берилган бифас
16	Бифас лиманд	Икки учлик бифас
17	Брюшка	Йўнилғиларнинг ички қорин қисми
18	Болас	ҳайвонларни овлашда уларни оёқлари орасига отиладиган юмалоқ галка
19	Билатеральная обработка	Икки қирраси ишлов берилган
20	Блок-он-блок (техника расщепления)	Бир катта тошни иккинчи бир тошга уриб парчалаш, энг қадимги тош синдириш техникаси

21	Выемчатое орудие	Ўйиб кертиб ишланган қурол
22	Веерообразный скребок	Елпиғичсимон қирғичча
23	Вытянутое когтевидное рубило	Узун тирноқ шаклидаги чўқмор
24	Веерообразный нуклеус	Елпиғичсимон нуклеус
25	Вентраль	Йўнилғиларнинг ички қисми
26	Вытянутое сердцевидное рубило	Чўзиқ юраксимон чўқмор
	Вторичная обработка	Иккиламчи ишлов бериш
27	Грузило	Қармоқтош
28	Горшковидный сосуд	Туваксимрн идиш
29	Гарпун	балиқ овлаш учун найза
30	Галька	Галка, тош ғўла
31	Галечная орудия	Галкадан ишланган қурол
32	Гарпун с однорядным зубцем	Бир қатор тишсимон қиррали гарпун
33	Диск	гардиш
34	Дисковидный нуклеус	Гардишсимон нуклеус
35	Дисковидный бифас	Гардишсимон бифас
36	Долото	Пона
37	Долотовидное орудие	Понасимон қурол
38	Дистал	тош буюмларнинг пастки учи
39	Дорсал	Йўнилғиларнинг устки қисми, елкаси
40	Дебитаж	Чакмоқлаш
41	Двойной скребок	Икки ёклама қирғичча
42	Двойная проколка	Икки ёклама санчқи
43	Двойное скребло	Икки ёклама қирғич
44	Двойная ретушь	Икки ёклама ретуш

45	Двусторонне обработанное острие	Икки тарафлама ишлов берилган тиг
46	Двояковыпуклый нуклеус	Икки тарафи бўртиб чиққан нуклеус
47	Дежете	Конвергент
48	Двойной анкош	Икки ёклама ўйиб кертиб ишланган курол
49	Двойное зубчатое	Икки ёклама тишсимон курол
50	Двойная площадка	Икки ёклама зарб майдон
51	Дуга	Дўға
52	Дротик	Найза
54	Двустороннее острие	Икки тарафлама тиг
55	Желвак	ғўла
56	Жальце	Тиг, уч
57	Жезл начальника, выпрямитель	Бошликнинг таёқчаси, текислагич
58	Зубчатое орудие	Тишсимон ретушли курол
59	Зубчатый ретушь	Тишсимон ретуш
60	Зубчатая индустрия	Тишсимон индустрия
61	Зигзагообразный край	Тўлқинсимон қирра
62	Зубчатая пластинка	Тишсимон қиррали пластинка
63	Зубчатая пластинка с притупляющей ретушью	Ўтмаслаштирилган қиррали тишсимон ретушли пластинка
64	Зернотерка и курант	Ёрғучоқ ва соп
65	Иволистовидное острие (наконечник)	Тол баргисимон тиг, пайкон
66	Изделия типа "жезла начальника"	“бошлиқ таёқчаси” типдаги буюм
67	Индустрия	Индустрия
68	Иррегулярный ретушь	Норегуляр ретуш
69	Колун	Тўмтоқ тош болта
70	Кливер	Тош болта

71	Кливер на отщепе	Учириндидан ишланган болта
72	Когтевидное изделие	Тирноксимон буюм
73	Клюв оформленный с чередующийся ретуши	Кетма кет ретушлар ёрдамида ҳосил қилинган тумшук
74	Клювовидное орудие	Тумшуксимон қурол
75	Комбева	Учиринди нуклеусларнинг вентрал томонидан чақмоқлаш техникаси
76	Культурный слой	Маданий қатлам
77	Культура	Маданият
78	Кремнеобрабатывающая мастерская	Чақмоқтошга ишлов бериш устахонаси
79	Край	Қирра
80	Копьеметалка	Найза отгич
81	Костяной наконечник со скошенным основанием	Устки қисми қиялашган суяк найза
82	Костяной наконечник с раздвоенным основанием	Устки қисми иккига ажратилган суяк найза
83	Костяной наконечник с расщепленным основанием	Устки қисми синдирилган суяк найза
84	Комбинированные орудия	Комбинациялашган қурол
85	Лавроистовидное острие (накнечник)	Лавр баргисимон тиғ, пайкон
86	Листовидное односторонне обработанное острие	Бир тарафлама ишлов берилган баргсимон пайкон
87	Листовидное двусторонне обработанное острие	Икки тарафлама ишланган баргсимон пайкон
88	Лимас	икки тиғли пайкон
89	Лиманд	Икки тиғли бифас
90	Леваллуа	чақмоқлаш техникаси
91	Лезвия	Қирра
92	Латераль	Ён қирра
93	Лепная керамика	Чаплама сопол

94	Лошило	Пардозлагич
95	Многогранник	Кўпқирра
96	Микронуклеус	Микронуклеус
97	Микрорезец	Микроқирғич
98	Микроскребок	Микроқирғичча
99	Микропластинка	Микропластинка
100	Микролит	Микролит
101	Микроиндустрия	Микроиндустрия
102	Микок	Микок, Франциядаги илк палеолитга оид маданият
103	Микроретушь	Микроретуш
104	Микроанкош	Микро ўйиб кертиб ишланган курул
105	Микокское рубило	Микок типигаги чўқмор
106	Мустье	ўрта палеолитнинг синоними
107	Мустьерская индустрия	Мустье индустрияси
108	Мустье леваллуа	Леваллуа маданий вариантыга хос мустье
109	Мустье типичное	Типик мустье варианты
110	Мустье кина	Кина типигаги мустье маданий варианты
111	Мустье феррасси	Феррасси типигаги мустье варианты
112	Мустье зубчатое	Тишсимон мустье варианты
113	Мустьерское изделия	Мустье типигаги буюм
114	Мустьерский остроконечник	Мустье типигаги пайкон
115	Мустьерский нуклеус	Мустье типигаги нуклеус
116	Мустьерское рубило	Мустье чўқмори
117	Мустьерские дисковидные нуклеусы	Мустье даври гардишсимон нуклеуслари
118	Мустьерский траншет	Мустье траншети
119	Мустьерско обработанный кость	Мустье даврида ишлов берилган суяк

120	Молочное патина	Сутсимон патина, моғор
121	Нуклеус – ядрища	Нуклеус ўзак
122	Нуклеусы для отщепов	Учириндилар синдириб олишга мўлжалланган нуклеуслар
123	Нуклеусы для острия	Тиглар синдириб олишга мўлжалланган нуклеуслар
124	Нуклеусы для пластин	Пластиналар синдириб олишга мўлжалланган нуклеуслар
125	Нелеваллуазсий отщеп	Нолеваллуа учиринди
126	Нелевалеазское пластина	Нолеваллуа пластина
127	Негатив	Рах, йўнилғи излари
128	Ногтевидный скребок	Тирноқсимрн қирғичча
129	Нуклевидное изделие	Нуклеуссимон буюм
130	Нуклеуформа	Нуклеусни тайёрлаш
131	Нуклевидный скребок	Нуклеуссимон қирғичча
132	Нож	Пичоқ
133	Нож с обушком	Елкали пичоқ
134	Намеренное рассечение	Атайлаб кесиш
135	Низкие с пологой дугой удлиненные сегменты	Қуйи кенг дўғали узунчоқ сегментлар
136	Наконечник копье	Найза учи
137	Отщеп	Учиринди
138	Острие с черешком	Қўндоқли тиг
139	Овальное орудие	Тухумсимон куrol
140	Орудия с ретушью с брюшка	Вентрал томонидан ретушланган куrol
141	Орудия с крутой и крупной ретушью	Қия ва йирик ретушли куrol
142	Орудия с чередующийся ретушью	Кетма кет ретушли куrol
143	Орудия с крутой мелкой ретушью	Қия ва майда ретушли куrol
144	Орудия на отщепе	Учириндидан ишланган куrol
145	Орудия на куске породы	Тош бўлагидан ишланган куrol
146	Отбойник	Ушатғич
147	Оправа	Ғилоф
148	Острия стержневой формы	Таёксимон тиг

149	Орудия с черешком	Қўндокли қурол
150	отраженные сколы	Қайрилган йўнилғилар
151	отщепы обивки	Йўниш учириндилари
152	Остроконечники	Пайконлар
153	Патина	Моғор
154	Пластика типа Дуфур	Дуфур типдаги пластинка
155	Подвеска	Тақинчоқ
156	Проколка	Тешгич
157	Притупляющий ретуш	Ўтмаслаштирувчи ретуш
158	Приостряющий ретуш	Ўткирлаштирувчи ретуш
159	Площадь раскалывания	Чақмоқлаш юзаси
160	Проксималь	Йўнилғиларнинг юқори қисми
161	Пластина	Пластина
162	Пластика с выемкой	Ўйиб кертилган пластина
163	Площадка	Майдонча
164	Песты-терочники	Келисоп турптарошлар
165	Плиты-наковальни	Сандон плиткалар
166	первичные, или краевые сколы	Дастлабки ёки қиррани чақмоқлаш
167	Пластинки с притупленным краем	Қирраси ўтмаслаштирилган пластинкалар
168	Пики	Пик
169	Раклет	Раклет
170	ретуши от дебитаж	Чақмоқлаш ретушлари
171	Рабо	Рабо, тош болта
172	Ретушеры	Ретушлагичлар
173	ребристые (реберчатые) сколы	Елкали йўнилғилар
174	Резцовый скол	Кесгич йўнилғиси
175	резцовые отщепы	Кесгич яшадан ҳосил бўладиган учириндилар
176	Резцы	Кесгичлар
177	Ретушированные пластины и пластинки	Ретушланган пластина ёки пластинка

178	Рубила	Қўл чўкмори
179	Скребок с носиком	Тумшукли қирғичча
180	Скребок с микроноси́ком	Микро тумшукли қирғичча
181	Скребок резец	Қирғичча кесгич
182	Скребок на усеченной пластине	Кесилган пластинадан ишланган қирғичча
183	Скол от обновления ударной площадки	Зарб майдонни янгилашдан ҳосил қилинган йўнилғи
184	Стойби́ша	Қароргоҳ
185	Солончак	Тақир
186	Секач	Секач, қиррали болта
187	Сверла	Тешгич
188	Скобель	Ранда
189	Супесь	Лой
190	Суглинок	Гил
191	Сосуд с длинным желебо́ком	Узун тумшукли идиш
192	Спинка	Елка
193	Стержник, палочка	Таёқча
194	сколы-заготовки	Йўнилғи тановорлар
195	Скреблышки	Майда қирғичлар
196	Скребла	Қирғичлар
197	Скребки	Қирғиччалар
198	Сфероиды	Сфероидлар
199	Треугольное рубило	Учбурчак чўқмор
200	Типичный резец	Типик кесгич
201	Тип	Тип
202	Тип ретуши	Ретуш типлари
203	Типы изделий	Буюм типлари
204	Типология	Типология
205	Техника расщепления	Чақмоқлаш техникаси
206	Техника-типология	Техника типология

207	Технология обработки камня	Тошга ишлов бериш технологияси
208	Технология добывания огня	Олов ҳосил қилиш технологияси
209	Терка	Турптарош
210	Типичная проколка	Типик санчки
211	Тесло	Новтеша
212	Таблетки	Таблетлар
213	Трифасы	Уч ёқлама ишланган чўкморлар
214	Топоры	Болталар
215	Траншет	Траншет
216	Треугольник	Учбурчаксимрн қурол
217	Усечанный отщеп или пластина	Кесилган пластина ёки учиринди
218	Убежище	Панагоҳ
219	Ударная площадка	Зарб майдонча
220	Усеченные ретушью орудия	Ретуш ёрдамида кесилган қуроллар
221	Уклонившиеся сколы	Қийшайган йўнилғилар
222	Унифас	Бир тарафлама ишланган чўкмор
223	Чешуйка	Парраха
224	Шило	Игна
225	Шлифовка	Силлиқлаш
226	Шамот	Оловда пиширилган оқ лой
227	Ядрища	Ўзак
228	Язиковидное лиманд	Тилсимон лиманд

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

АО	Археологические открытия. Москва.
АРТ	Археологические работы в Таджикистане. Душанбе
БКИЧП	Бюллетень Комиссии по изучению четвертичного периода
ВА	Вопросы антропологии
ВГО	Всесоюзное географическое общество
ВДИ	Вестник древней истории
ИИМК	Институт истории материальной культуры
ИМКУ	История материальной культуры Узбекистана
КСИИМК	Краткие сообщения Института истории материальной культуры
КФАН	Каракалпакский филиал АН РУз. Нукус
МИА	Материалы и исследования по археологии СССР. М.-Л.
МКТ	Материальная культура Таджикистана. Душанбе
МТА	Мустьерская культура с ашельской традицией (mousterien avec tradition achelien).
ОНУ	Общественные науки в Узбекистане. Ташкент
РА	Российская археология
СА	Советская археология
СЭ	Советская этнография
СГАИМК	Сообщения Государственной академии истории материальной культуры.
ТКИЧП	Труды Комиссии по изучению четвертичного периода.
УСА	Успехи среднеазиатской археологии. Л.
ТЮТАКЭ	Труды Южно-Туркменской комплексной археологической экспедиции. Ашхабад

Фойдалинган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ташкент. 1998

2. Батыров Б.Х., Батыров А.Р. Ископаемые млекопитающие пещеры Сел-Унгур // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988. -С.12-15
3. Брокгауза С.А Ефрона Г.А. Энциклопедический словарь// Об охоте на тигра в Ферганском долине. том XXXVa. М. 1902.-С 562
4. Борисковский П.И Палеолитические местонахождения в Туркмении // КСИИМК. Вып. 18. 1947.-С. 59
5. Величко А.А., Кременецкий К.В., Маркова А. К., Ударцев В.П. Палеоэкология ашельской стоянки Сель-Унгур (предварительное сообщение) // Проблемы взаимосвязи общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988.-С. 34-37
6. Вишняцкий Л.Б. Изучение палеолита Средней Азии (материалы, методы, концепции) // СА. № 1. 1989а.-С. 15
7. Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Санкт-Петербург. 1996.- С. 107
8. Виноградов А.В. К вопросу о южных связях кельтеминарской культуры. СЭ, № 1. 1957а.-С. 35
9. Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Новые данные культуры эпохи бронзы в Ферганской долины. СА, № 3. 1958.-С. 7
10. Горбунова Н.Г., Кулик Т.И., Оболдуева Т.Г., Тимофеев В.И. Работы Ферганской экспедиции. АО, 1970 г. М.: 1971.-С. 19
11. Горбунова Н.Г., Оболдуева Т.Г. Работы в зоне строительства Центрального Ферганского канала. АО, 1967 г. М.: 1968.-С. 18 Тимофеев В.И. Выделение территориальных
12. Деревянко А.П., С.В. Маркин, С.А.Васильев. Палеолитоведение: Введение и Основы. Изд-ВО "НАУКА" Новосибирск, 1994.-С. 5.
13. Заднепровский Ю.А. Неолит Центральной Ферганы. КСИА, вып. 1966.-С. 11
14. Касымов М.Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Ташкент. 1972.-С. 16
15. Касымов М.Р. Новые исследования по палеолиту Ферганской долины в 1964 г. // ИМКУ. Вып. 7. 1966.С. 7-13
16. Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии // МИА. М. 158. 1969.-С. 127-142
17. Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии // КСИА 122. 1970.-С. 24-25
18. Коробкова Г.Ф. Культуры и локальные варианты мезолита и неолита Средней Азии (по материалам каменной индустрии) // СА. 3. 1975.-С. 23-24
19. Коробкова Г.Ф. Традиции и инновации в культурах мезолита и неолита Бактрии // Древнейшие культуры Бактрии. Тезисы сов-французского симпозиума. Душанбе. 1982.-С. 162.
20. Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности // КСИА. 149. 1977.- С. 112
21. Конопля П.Т. Следы людей каменного века на территории Южной Киргизии. ИА АН КиргССР. Серия общ. наук, т. 1. Вып. 1. 1959.-С. 11;
22. Кривошапкин А.И. Обирахматский человек – загадка истории. Наука и жизнь. 2006-2007. Ташкент.-С. 14 -26;
23. Массон В.М. Южнотуркменистанский центр земледельческих культур (В свете работ ЮТАКЭ 1955-1958). 1960.-С. 30-33

24. Массон В.М. Историческое место Среднеазиатской цивилизации. СА, 3 1. 1964.-С. 21
25. Массон В.М. Неолит Средней Азии. В кн.: Каменный век на территории СССР. М.: 1970.-С. 24
26. Марков Ю.Н., Образцов В.А. Датирование древних памятников Туркмении и соседних областей методом радиоуглеродного анализа // ИАН Туркмении. Серия общест. Наук №6. 1981.-С. 74-77;
27. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Стоянки каменного века южной части Центральной Ферганы. ИМКУ, вып. 13. Ташкент. 1977
28. Исламов У.И., Крахмал К.А., 1995. Палеоэкология и следы древнейшего человека в Центральной Азии. Ташкент «ФАН».-С. 3-320
29. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1986.-С. 66-118.
30. Исламов У.И. Селунгир одами хакида. Тошкент “Фан ва турмуш”, 1982, 17 б.
31. Исламов У.И., Зубов А.А., Харитонов В.М. Палеолитическая стоянка Сель-Унгур в Ферганской долине // ВА. Вып. 80. 1988.-С. 23-27
32. Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980.-С. 9-140
33. Исламов У.И. Мезолит Средней Азии // Автореф. дисс. докт. исторических наук. Новосибирск. 1977.-С. 35
34. Исламов У.И., Тимофеев В.И. Культура каменного века Центральной Ферганы. Ташкент. 1972.-С. 108
35. Окладников А. П. Неандертальский человек и следы его культуры в Средней Азии (Предварительные данные и выводы о раскопках в гроте Тешик-Таш)// СА. Вып. 6. 1940 а.-С. 12-14
36. Окладников А. П. Первобытный человек Узбекистана// Наука и жизнь. №1. 1940 б.-С. 52-67
37. Окладников А.П. Палеолитическое время на Тяньшане и Енисее // История Киргизии Т. 1. Фрунзе. 1956.-С. 126
38. Окладников А.П. Работы палеолитического отряда в 1958 г. (предварительное сообщение) // Известия АН Узб.ССР. серия общественных наук. № 4. 1958.-С. 45
39. Пошка А. Пещера Сел-Ун-Хур // ВА вып. 2. 1960.-С. 38-42
40. Романова Е.Н., Семенов А.А., Тимофеев В.И. Радиоуглеродные даты образцов из Средней Азии и Казахстана. Лаборатории ЛОИА АН СССР // УСА. М. 2. 1972.-С. 58
41. Парфенов Г.В. Работа кружка юных археологов института истории и археологии АН Узб.ССР в 1960 г. // ОНУ № 4. 1961.-С. 11
42. Ранов В.А. Каменный век Таджикистана. Обобщающий доклад по работам представленным к защите на соискание уч. Степени канд. Ист. Наук. Душанбе. 1963.-С. 75
43. Ранов В.А. Находки каменного века в Алайской долине. ТИИ АН Кирг. ССР. Вып. 4. 1958.-С. 77
44. Ранов В.А., Коробкова Г.Ф. Туткавул – многослойное поселение гисарской культуры // СА. 2. 1971.-С. 77
45. Ранов В.А. О восточной границе мустьерской культуры // Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной и Восточной Азии и Америки. Новосибирск. 1990.-С. 264
46. Ташкенбоев Н.Х. Наскальные изображения Сармича и Караунгурсая. ИМКУ №3. “ФАН” Т.1966.-С. 34

47. Юнусалиев М.Б. Памятники каменного века на территории Киргизии. Фрунзе. 1970б.-С. 4-59
48. Юнусалиев М.Б. Изучение каменного века в Киргизии // ИАН КиргССР. 1967. - С. 23
49. Юнусалиев М.Б. В глубь тысячелетий по долинам Киргизстана. Фрунзе. 1970а. - С. 135

Фойдаланилган чет эл адабиётлари

1. *Coppens Y.* Le singe, l'Afrique et l'Homme. — P.: Fayard, 1983, p. 140.
2. *Lumley H. de et al.*, 1984. Origine et Évolution de l' Homme. Paris, p. 93.
3. *Lumley H (de)* Origine et Evalution de l' Homme Paris 2001, p.1-230
4. *Lordkipanidze D., Gagnepain J.*, 2003. La Géorgie berceau des Européens. Musée de Préhistoire de Gorges du Verdon Route de Montmeyan 04500 Quinson, p. 26.
5. *Leakey R. E.*, 1981. La naissance de l' Homme. Ed. du Fanal, p. 255.
6. *Lordkipanidze D., Gagnepain J.*, 2003. La Géorgie berceau des Européens. Musée de Préhistoire de Gorges du Verdon Route de Montmeyan 04500 Quinson, p. 26.
7. *Vandermeersch B.*, 1988. Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris, p. 61 et 516.
8. *Ranov V. A.*, 1988. Dictionnaire de la Préhistoire. Universitaires de France, Paris, p. 1001.
9. *Ranov V. A.*, 1993. Decouverte des civilisations d'Asie Centrale. Les dossiers d'Archeologie №185/Septembre 1993/. Paris, p. 6.
10. *Wood Bernard* 2002. Hominid revelations from Chad. News and views. Journal: Nature Publishing Group, p. 133